

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

*Адиб ва  
жамият*

Азим СУЮН

# М Е Н – Е Р Л И К М А Н

Шеърлар ва достон



ТОШКЕНТ  
«ADABIYOT»  
2020

821.512.133-1

84(5Ў)6

**С 98**

**С 98**

**Суюн, Азим.**

Мен – ерликман [Матн]. Шеърлар ва достон / А.Суюн.  
– Тошкент: «ADABIYOT», 2020. – 144 б.

ISBN: 978-9943-6471-3-8

**Бадиий раҳбар**

*Сирожиддин САЙЙИД*

**Масъул муҳаррир**

*Шоди ОТАМУРОД*

Азим Суюн шеърларини ўқиркансиз, дунё, муҳаббат, ҳаёт каби чексиз мавзуларнинг дилбар манзараси шоир умрининг поёнида янада ёрқинлашганини англаймиз. Айниқса, туғилиб ўстган юртга муҳаббат мутолаа давомида ҳавасингизни уйғотишига шак-шубҳа йўқ.

Халқона сатрлардан сиз юракка қадрдон туйғулар қуршовида қоласиз. Умид қиласизки, ҳар битта шеър сизни давомли мутолаага ундейди.

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди ҳомиилигида нашр этилди.*

ISBN 978-9943-6471-3-8

© Азим СУЮН, 2020

© «ADABIYOT», 2020

## АНДИЗ ЎСГАН ЕРЛАРДА

Андиндиз ўсан ерларда отлар бевақт ўлмағай,  
Яхши бўлса аёллар, эрлар юзи сўлмағай.

Қайси юртда чинакам ботир эрса йигитлар,  
Ўша юртнинг эллари ёвларга қул бўлмағай.

От минмаган от минса, чопа-чопа ўлдирап,  
Боғ кўрмаган боғ кўрса, пайҳон қилар, сўлдирап.

Хушёр бўлгил, жон элим, элдай сақла элингни,  
Ёвларингга қўл берсанг, паймонангни тўлдирап.

Бош кесилса, ёронлар, сочга мотам тутилмас,  
Қон қусилса, ёронлар, ичга сувдек ютилмас.

Қай бир миллат тупроғин топтар экан маккор ёв,  
Ўзлигин билганларнинг баҳти асло бутунмас!

Арғумоқларга мининг, ғолиб қилич ёр бўлсин!  
Бу дунёда ҳар кимнинг ўз Ватани бор бўлсин!

## БОШ КИТОБ

Бир тошдан бошланур чўққи асли ҳам,  
Бир булоқ манбай дарё насли ҳам.

Бир нафас елдирким шамол шарафи,  
Оlamни тозартар унинг нафси ҳам.

Ҳикматсиз бир гиёҳ йўқдир дунёда,  
Ким билгич, дармондир унсиз саси ҳам.

Одамзод истаги чек-чегарасиз,  
Бир ҳовуч тупроқдан кулба, қасри ҳам.

Миллатман деганнинг Баш Китоби бор,  
Унда акс этмишдир баланд-пасти ҳам.

У хурдир, ё қулдир, ё шоҳ, ё гадо,  
Узун ё қисқадир халқин дасти ҳам.

Иймондир бу Китоб сувайдоси гар,  
Унда безиёндир душман қасди ҳам.

Бош Китоб – Бош Қонун – Ўзбек ўзлиги,  
Шунда шон-шарафли бўйи-басти ҳам.

Инсонга тождирким Ҳақ адолати,  
О, Азим, уқиб ол, яша рости ҳам!

## БАҲОДИРНИНГ ҚИЛИЧИ

Баҳодирнинг қиличи синди...  
Сўнгги нуқта. Тугади эртак.  
Пастак ҳовли четида дилхун  
Бир бола йиғлайди – қўлида китоб.  
Баҳодирнинг қиличи синди,  
Баҳодирнинг қиличи синди.  
Ёвники бутун!

Қайга кетди япроқдек бола,  
Бўта каби қайда бўзлайди?  
Учид юрган варақлар, ана,  
Шамолларга эртак сўзлайди.  
Бола қани?.. Билмайман, аммо  
Ишонаман, қайлардадир у  
Баҳодирга қилич излайди...

## БУ ВАТАННИ СЕВМАЙ БЎЛУРМИ?!

Севиши-севмоқ саодат эрур,  
илоҳий баҳт жўш урап қонда.  
Тулпорингни мингину мағрур  
чоптири, елдир ота маконда!  
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

Ҳисор тоғда очиб кенг қучоқ  
яша, юксал бамисли хаёл.  
Сангардакда минг кўзли булоқ –  
тўлиб-тошган кечаги ҳилол!  
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

Қайда, қайдан бу эрка чоғлар,  
зангор тошқин қири ёбонда.  
Қизғалдоқлар – гулгун ёноқлар  
тўрт уфқда – тўртала ёнда!  
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

Айғиркўл гулмоҳиларининг  
гулларида ўйнайди нурлар.  
Бадайтўқай хонгулларининг  
кўзларида дўсти хонгуллар!  
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

Тўқис эмас, неки мавжуддир,  
тўқис баҳт ҳам йўқдир жаҳонда.  
Фақат Ватан тўқис вужуддир,  
баҳт ҳам тўқис ота маконда!  
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

Чўлу саҳро юзи қавариқ,  
мовий тоғлар туслари бужур.  
Ёйлоқ, сойлоқ – дастурхон ёйиқ,  
о, англасанг, бари-бари дур!  
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

Мени севиб, опичлаб онам,  
севмоқликка ўргатган рўй-рост.  
Севмоқликка яралган одам,  
севилмоққа олам хосу мос!  
Бу Ватанни севмай бўлурми?!

**БУ ДУНЁДА**

Бу дунёда кимга дўсту кимгадир озорман,  
Коса берсанг, тўла бер, нимкосангдан безорман.

Чала кулба, дўстларим, менга иморат эмас,  
Каттакон бозор ичра мен ўзим ҳам бозорман.

Кунни сен ярим дема, тун бирла бутундир ул,  
Faфлат уйқуси ётдир, уйқу аро бедорман.

Бу жаҳон майдон эрур, манглай қашимагайман,  
Белим маҳкам боғланган ғолиб, музаффар борман.

Ота маконим бутун, миллатим бутун, рақиб,  
Осилсанг, менга осил, энг баланд оғоч – дорман.

Девона ҳам дунёча гап билан, Азим Суюн,  
Аслини айтсам, битта бағри бутунга зорман!

## ВАТАНИМ

Ватаним – водийлар, боғлар ўлкаси,  
 Ватаним – воҳалар, тоғлар ўлкаси.  
 Икки она дарё оралиғида  
 Марди майдон, кўнгли чоғлар ўлкаси.  
 Фикру жисми хур уйғоқлар ўлкаси!

Энг юксак нуқтаси эрур Ҳисортоғ,  
 Унинг чўққисига чиқдим атоқлаб,  
 Хаёл қучолмаган Ватаним кўксин  
 Сиру Амударём ётар қучоқлаб.  
 Ватаним – зар тупроқлар ўлкаси!

Бир ён: оппоқ булат – юксаклар қори,  
 Танглайим кўтарар улар виқори.  
 Бир ён: этакларда дашт-адирларда  
 Жонларга ўт ёқар қизғалдоқзори.  
 Ватаним – ол қизғалдоқлар ўлкаси!

Олойу Тёншон бағр – боғлари  
 Кўпириб ётибди хур қучоқлари.  
 Ўн тўрт кунлик ойдек кўринар кўзга  
 Офтобнурга тулаш нур булоқлари.  
 Ватаним – нурли булоқлар ўлкаси!

Нигоҳим Устюртнинг бўй-энларида,  
 Энг ботиқ нуқта Юрт кенгликларида.  
 Кўкламда жаннатга дўнар бу жойлар,  
 Ҳаттоки, Қизилқум кумликларида.  
 Ватаним – сирли ардоқлар ўлкаси!

Қоратоғ дараси – Можримда пойдор  
Кўрдим Арчаота шовуллар бедор.  
Икки минг йилдан ҳам ошгандир ёши,  
Қай юртда, қай жойда бундай Арча бор?  
Ватаним – қўли қадоқлар ўлкаси!

## ОҚ ВА ҚОРА

Оқ булоқни изладим,  
 Қора булоқ дуч келди.  
 Қора булоқ сувидан ичдим, ёронлар,  
 Оқ булоққа етгунча.

Оқ дарёни изладим,  
 Қора дарё дуч келди.  
 Қора дарё бағрида чўмилдим, дўстлар,  
 Оқ дарёга ўтгунча.

Оқ тоғларни изладим,  
 Қора тоғлар дуч келди.  
 Қора тоғлар қучоғини кездим, ёронлар,  
 Оқ тоғларга кетгунча.

Оқ ва қора дунёни  
 Чаппор уриб айлангум,  
 Оқ шомлар тугаб, дўстлар,  
 Қора шомлар қучгунча...

1988 йил

**ФЕВРАЛЬ**

Феврал. Эй, дўст!  
 Келдингми, қани,  
 Бир кўришиб қўяйлик аввал.  
 Ойлар ичра  
 гарчи қаддинг паст,  
 Лекин қадринг баланд, мукаммал.

Қиши чилласин  
 сурасан ортга,  
 Жилғаларда бошлайсан қўшиқ.  
 Тезроқ кўклам  
 инсин ҳаётга,  
 Ҳаммадан кўп сен унга ошиқ.

Тўққизингда  
 бошлайсан бир тўй –  
 Даҳлдордир адабиётга.  
 Бир қадаҳ сун,  
 бир қадаҳ май қуй,  
 Бу тўй ёрдир абадиятга!

Мир Алишер  
 таваллуд куни,  
 Ортга ташлаб не саналарни,  
 Ватан узра  
 бошлаб юборар  
 Ҳидоятли тантаналарни.

О, бобомнинг  
номи янграгай  
Қардош тиллар, ёт тилларда ҳам.  
Наволари  
навозиш этгай  
Яқин эллар, ёт элларда ҳам.

Тоғу боғу  
чўл-саҳроларда  
Гулга қараб очилгандек гул,  
Боқу, Масков,  
Токиоларда  
Ғазал ила боғланур қўнгил!!!

Февраль. Эй, дўст!  
Келдингми, қани,  
Бир кўришиб қўяйлик аввал.  
Ойлар ичра  
гарчи қаддинг паст,  
Лекин қадринг баланд, мукаммал.

Ўн тўртинг ҳам  
етиб келгайдир,  
Шоҳ ва шоир келади отда,  
Созу созгар  
Заҳриддин Бобур  
Ҳар ғазалин куйлар хур Юртда!

Инжа мавқе  
мақомларига  
Не қўнгиллар кетади ийиб.

Дейсан: Дунё  
ўлмаганники,  
Зоти шариф Бобурни суйиб.

Кўклам яқин...  
акси-садоси  
Уйғотади дашт тўрғайларин.  
Оҳ, куйлатиб  
юборар ҳатто  
Ёбонларнинг қамиш-найларин.

Қиши офтобин  
қўри кун-бакун  
Чўғланади тандир чўғидек.  
Кечаги қор  
қайдадир бугун,  
Улар қочар... қочган ёғийдек.

Февраль. Ўсган  
бўйингга таъзим,  
кетдинг барча ойлардан ўзиб.  
Минбарларда  
шеър ўқир, Азим,  
Не шоирлар юрагин ёзиб!

2008 йил

## МЕН СИЗНИ СЕВАМАН

Қуёш ботиб борар...  
 кўзларимда ёш,  
 Сарҳисоб қиласман умр йўлимни.  
 Инсон умри нима?  
 Қанот, бардош  
 Ва англаб етмоқдир ўзин кўнглини.  
 Мен сизни севаман!

Келдим бу дунёга,  
 кетгумдир шаксиз,  
 Кимнидир севдиму ва севилмадим,  
 Гоҳо ғолиб бўлдим,  
 гоҳ мағлуб, изсиз,  
 Гоҳида ҳайқирдим, гоҳи тилсиз, жим.  
 Мен сизни севаман!

Дўстларим кўп менинг,  
 рақибларим ҳам,  
 Рақибларим – мени англамаган дўст!  
 Бургутларни севдим,  
 о, бу бургутлар  
 Муҳаббатим олдида тикладилар баст!  
 Мен сизни севаман!

Сиз йиғланг, бир йиғланг  
 дарёдай тошиб,  
 Юрагингиз, ахир, йиғига тўла.  
 О, сиз мени шунда

англайсиз шошиб  
 Тўлган ой сингари бутун бирйўла.  
 Мен сизни севаман!

Топдиму йўқотдим,  
 йўқотдиму топдим,  
 Кутиб олдим барин бир-бир хотиржам,  
 Сени севишиларин  
 истасанг, дўстим,  
 Аввало сен севгин тиконларни ҳам.  
 Мен сизни севаман!

Алвидо айтмайман,  
 Сенга, ғолиб Шарқ,  
 Ғолиб Ғарб, сенга ҳам демам, алвидо.  
 Эй Жануб, Эй Шимол,  
 чиройингга фарқ,  
 Бир сўзни айтмайман, аталмиш «видо».  
 Мен сизни севаман!

Адолат изладим,  
 ҳақни изладим,  
 гоҳида тополдим, топмадим гоҳи.  
 Ҳатто осмонларни  
 оралаб чопдим,  
 Ўзимда эканин топдим охири.  
 Мен сизни севаман!

Оқиллардан эмас,  
 қўрқдим ғофилдан,  
 Золимданмас, қўрқдим ялтоқилардан,

Қонунлар ҳимоя  
қилса бўрини,  
Хабар олдим қўйлар – қўрқоқларимдан.  
Мен сизни севаман!

Хур яшаш истасанг,  
бироннинг асло  
Хур яшашига бермагил халал.  
Учаман, учаман  
юлдузлар аро,  
Кураш бу – ҳаётда яшамоқ ҳалол.  
Мен сизни севаман!

Ким инсонни севмас,  
мехр-оқибат,  
Адолат ҳақида гапирмасин у.  
Дўзахни кўрганман,  
о, энди фақат  
Жаннатни кўрмоқни қиласман орзу.  
Мен сизни севаман!

Танадан айрича  
руҳ йўқ жаҳонда,  
Танадан айрича йўқдир бирор жон.  
Илдизларни севдим  
руҳий маконда!  
Менинг топинганим сиздаги иймон!  
Мен сизни севаман!

Одамни яшашга  
ўргатар севги,

О, севги-муҳаббат, гултожимсан сен.  
 Бу дунё томоша,  
 бу дунё кулги,  
 Ошиқ Азим бўлдим, бошда тожим сен.  
 Мен сизни севаман!

Алҳақ ҳаёт мангу,  
 соямга қараб  
 Асло ўлчамадим умрим мазмунин.  
 Мангулик мангу сир,  
 унга йўқ жавоб,  
 Faқат сақламоқлик керак қалб қўрин!  
 Мен сизни севаман!

Зарурият билан  
 ҳатттоки худо  
 Тортишиб ўтирмас бефойда, бенаф.  
 Тириклиқ, шубҳасиз,  
 баҳт эрур, аммо  
 Мангулик яратмоқ ундан-да шараф!  
 Мен сизни севаман!

Куёш ботиб борар...  
 қайдা бергум жон,  
 Уммонми, саҳрода ёки самода?  
 Менга берилди-ку  
 бир буюк имкон,  
 Мен сизни севолдим ушбу дунёда.  
 Мен сизни севаман!

Олисларда қолиб  
кетди бир йўргак,  
Бу қўёш кимники? Бу ой кимники?  
Мен ҳеч ким эмасман  
ўзимдан бўлак,  
Ўн саккиз минг олам лекин меники.  
Мен сизни севаман!

*2008 йил*

**МУҲАББАТ***(станслар)*

## I

Денгизга сиғмагандек  
тўлқинлар куч-қудрати,  
Мени асло тинчитмас  
муҳаббатим шиддати.  
Жунбишда муҳаббат – зарб,  
Титраб кетар қайноқ қалб.

## II

Кеч кузак. Аймоқи ток.  
Кўрдим бир шингил узум,  
Тилимни ёрди тарс-тарс,  
егандим уни узиб.  
Тотли, суюксан, ҳаёт,  
Аслинг сенинг муҳаббат.

## III

Тунги тоғ. Меҳригиё  
ўздин сачратар учқун,  
Муҳаббат, кўзларингдан  
ёришар қоронғу тун.  
Сокин юрак, у қани?  
У – кўклам сой тошқини!

## IV

Кечди бебош ҳаётим,  
ча羞ма оқди тоғ ёриб.  
Эҳтирослар йўлида

кетдим гоҳида оқиб.  
Чақмоқлар чақар-чақар,  
Чўпон кулбасин ёқар.

## V

Кузги мезонлар ипи  
боғлай олмас ўзига,  
Дўстиму ағёримнинг  
тикка боқдим кўзига.  
Хур гўдакнинг ҳаёти –  
Она сут муҳаббати.

## VI

Муҳаббат изтироби,  
майли, ўт қўйсин жонга,  
Азоб, ғами, алами  
улансин тонгдан тонгга,  
Хилол Ойга айлангай,  
Ғарбу Шарқлар бойлангай.

## VII

Ирмоқлар дарёларга  
интилар – сарбаст ошиқ.  
Куйламагин, эй, ҳофиз,  
ўлим ҳақида қўшиқ.  
Гарчи ўлим мангуд ҳақ,  
Муҳаббат ундан барҳақ!

## VIII

Кушлар яшай олгайми  
насибаси – дон-дунсиз?

Азим ким? – мен ҳеч кимман  
муҳаббатсиз дунёсиз.  
Саҳрода қудуқ омон,  
Омон сарбону карвон!

*2008 йил*

## ЎТОВ

Қорақалпоқ ўтовида бўлдим қўнок,  
 Эрганак – эшигидан кирдим қувноқ.  
 Кўкламу ёз, кузу қишига тимсол туур –  
 Тўрт ёндаги тўрт бўлакли қурч чанғароқ.

Ҳар нимадан ясалмагай ўтов асли,  
 Қоратоннинг оғочидан унинг асли.  
 Усталари дарё кечиб, тоғлар ошар,  
 Бутун юртда улуғланар улар касби.

Ўн икки ой – ўн иккита дунёси бор –  
 Ҳар биттаси битта тимсол даъвоси бор.  
 Керагаслар, увуқ фақат нақш эмас,  
 Ҳар биттаси ҳар маънога эга пойдор.

Ишлатилмас бирорта мих ўтовларга,  
 Боғланади тери – ултон шардозларга.  
 Қанотлари ўн олтига етди бугун,  
 Ҳайрат солди не бегона, не довларга.

Ўтовларга ёпилади қора кигиз,  
 Қора кигиз, оқ кигизу ола кигиз.  
 Арқонларда қамчи турар қистирилиб,  
 Унга-бунга санчиб қўяр игна, бигиз.

Босхур гилам, олачалар тўшамчидир,  
 Тоболдириқ, манглайчалар ясамчадир.  
 Боқ, жекандан тўқилган зар чипталарга,  
 Бўғча, пўпак, туморлари ҳашамчадир.

Ажиниёз, Иброҳимлар овули бу,  
Айланишиб кетмас улар рухи мангу.  
Тун-кечалар ўтovларнинг туйнугидан  
Боқишади мисли юлдуз, мисли оқку.

Қорақалпоқ ўтovида бўлдим қўноқ...

*2009 йил*

## МОЖРИМ АРЧАСИ

Можрим дарасида эски тошқўрғон,  
Бугун харобадир, ҳар томон вайрон.

Ёввойи буталар босгандир уни,  
Қандайдир ваҳмкор шарпалар уни...

Бир ён биқинида тифиз қабрлар  
Бир-бирини гўё опичлаб ётар.

Иккинчи бир ёнда вайрона масжид,  
Аммо жуфт устуни ташландиғ-у бут.

Қачондир яшаган бунда эл-элат,  
Унда-бунда излар қолмишдир фақат.

Мана, ҳовлисимон чолдивор қўра,  
Турли илонларга бўлибди ўрда.

Калтакесак бошин қилганча сарак  
Тек қотган, недандир кутгандек дарак.

Чўғдай.govзанбирлар бетин ғўнфиллаб  
Ковуллар уруғин ётибди талаб...

О, лекин бир Арча, ишонмас кўзим,  
Маҳобати жонни титратди бир зум.

Унинг танасини қучмоқликка, бас,  
Етти дов йигитнинг қучоғи етмас!

Томирлари филнинг бўйнидек йўғон  
Тош орасига сингган беомон.

Қарайман дегандим Арча учига  
Орқага йиқилдим тисралиб-учиб.

Минг йиллик чинорни кўрганман бисёр  
Ва лекин Арчани кўрдим илк бор.

Дедилар, ёшини сўрмайин кимдан,  
Ошиб кетган ҳатто икки асрдан.

О, Юртим тупроғи, тупроғим қутлуғ,  
Ўпаман, ҳар зарранг муқаддас, улуг!

2009 йил

## ТОШКУЛБА ТОКЧАСИДАГИ КИТОБЛАР

Бобом тошкулбасининг  
токчасида доимо  
китоблар бўлар эди:  
«Ҳикмат», Машраб, Ҳувайдо.  
Навою «Чор китоб»,  
Бедил, Сўфи Оллоёр.  
«Қуръон»нинг елкасини  
силаб туради девор.  
Ўқимасдим уларни,  
чунки ўқиёлмасдим.  
Лекин бобом, отамни  
ўқитмасдан қолмасдим.  
Бобом «эски» эди-да,  
Отам ҳам эди «эски».  
Қалбимга қўр берарди  
аммо шу «эски-туски».  
О, қишки кечалар... Чўғ  
бозиллар тош ўчоқда,  
Қориннинг қайғуси ҳам  
унутилар бу чоғда.  
Қулоғим қирқта бўлиб  
тинглар эдим, тинглардим.  
Тоғдан ҳам олисларда  
бир дунё бор – англардим.  
Оҳанглар тараларди  
қандайдир осмонлардан,  
Ўзига чорлар эди  
қайси бир маконлардан.

Инига дуд қўйилган  
тулкидай ҳолда эдим,  
Инидан қандай бўлса  
чиққудайин юрагим...  
Онамнинг китоби ҳам  
бўлар эди уч-тўртта,  
Уларни сақлар эди  
бўғчасида – бир четда.  
«Алпомиш», «Гўрўғли»ни  
онамга ўқитардим,  
гоҳида қаҳ-қаҳ уриб,  
гоҳида йиғлар эдим...  
Кейин кетдим мактабга,  
кейин кетдим бош олиб...  
Бугун ўзимни баъзан  
ургудайман тош олиб.  
Ўтди-кетди ҳаммаси,  
ўтди-кетди «ялт» этиб.  
Уларнинг хизматини  
қилолмадим ёлчитиб.  
Юрагим тўла армон,  
ўзим ёзаман китоб.  
Чин-ёлғонин билолмай  
қалб ипи ташлаган тоб.  
Уйқу элитар тез-тез,  
хаёл тез-тез опқочар,  
Фирқўклар қайда экан,  
Қайда экан Бойчибор?..  
Тилим-тилим тоғ бағри,  
бир четида тошкулба,  
Тошкулба ҳам деб бўлмас,

шундоқ ётган хароба.  
Бунда иўқ тошўчиоқ ҳам,  
бозилламас бодомчўғ.  
Бари бўларди, аммо  
Азимбой... хў... бола иўқ.

2009 йил

## НАВОЙДАН ТОПДИМ

Неки бир сўз изладим – Навоийдан топдим,  
Қалб муродин кўзладим – Навоийдан топдим.

Тополмадим ота-онам ҳаққига жонсўз,  
Навоийдан сўзладим – Навоийдан топдим.

Ватан надир? – Ўз уйинг ёки башар мулки?  
Кўкламладим, кузладим – Навоийдан топдим.

Айтмоқ истадим дўст-ёронга ҳикмат ё байт,  
Кўзгуни кўзгуладим – Навоийдан топдим.

Ёрга ошиқ бўлиб, битолмадим ишқ хатин,  
Ойладим, ўлдузладим – Навоийдан топдим.

Комил сўзу комил амал – комил тарбият,  
Ибратини бўзладим – Навоийдан топдим.

Замон борки, бор риёкор золиму фосик,  
Қамчиладим, тузладим – Навоийдан топдим.

Не туйғу ҳолати йўқ, демак, у асли йўқ,  
Азимин азизладим – Навоийдан топдим.

2009 йил

## ОШИҚ ЎЛДИМ

Ошиқ ўлдим, умрим ипи тугундир,  
 Ечолмайман, оҳи-нолам тутундир,  
 Асли қай ошиқнинг бағри бутундир?  
 Ошиқларнинг аҳволига йиғларман,  
 Мен – ошиқнинг аҳволига ким йиғлар?

Қисматим ёзилганми қору музга,  
 Кўкламдан сакраб ўтдим қора кузга,  
 Бош олиб кетгудайман дала-тузга.  
 Ошиқларнинг аҳволига йиғларман,  
 Мен – ошиқнинг аҳволига ким йиғлар?

Аллоҳимдан сўргандим суйгу билан:  
 Умримни обод қилгил ёғду билан,  
 Аслимни мукаррам қил гулрў билан.  
 Ошиқларнинг аҳволига йиғларман,  
 Мен – ошиқнинг аҳволига ким йиғлар?

Ошиқларким, ишқ ила ошиқлардир,  
 Бедорлигу туш ила ошиқлардир,  
 Ошиқлар мангу ошиқ қўшиқлардир.  
 Ошиқларнинг аҳволига йиғларман,  
 Ошиқ Азим аҳволига ким йиғлар?

2010 йил

**OP**

Бошга қилич келса ҳам тарк этмасин ор сизни,  
Қанча хушрўй бўлмасин, маҳрам этманг орсизни.

Маҳрам этар бўлсангиз, айшга ботиб кулсангиз,  
Қаро тупроқ бўлгайсиз, оппоқ қилмас қор сизни.

Одамийлик шаън тотлиғ, йитар бир соя янглиғ,  
Пушаймонлиғ ўтида ёндиргайдир зор сизни.

Созгар иши хосу мос, лекин созанда эмас,  
Машхуру жаҳон қилмас ҳар қандайин тор сизни.

Азим, ори бошда тож – ибтидоий эҳтиёж,  
Шу учунким сийлади бир вафодор ёр сизни.

*2010 йил*

## БИРОВНИНГ ҲАҚҚИГА

Замон ичра ўз йил, ҳисобингни ол,  
 Қадамингни ол, шитобингни ол,  
 Кеккайма, керилма, савобингни ол,  
 Бирорвнинг ҳаққига бек бўлма, болам.

Дарёнинг тошидай кўпdir дўстларинг,  
 Тулкидек айёрdir, йўқdir сустлари,  
 Унутма уларнинг тили, тусларин,  
 Бирорвнинг ҳаққига бек бўлма, болам.

Бир қарич ерда ҳам қайнайди ҳаёт,  
 Ҳалоллик асоси асли ҳақиқат,  
 Адолат ўзингда, ўзингда ибрат,  
 Бирорвнинг ҳаққига бек бўлма, болам.

Виждан – ҳақгўй қози, бир қулоқ солгил,  
 У билан сирлашгил, тиллашгил, қолгил,  
 Мусичадай мўминнинг хабарин олгил,  
 Бирорвнинг ҳаққига бек бўлма, болам.

Қуллуқ қил қушларнинг шўх сайрашига,  
 Қирда қулуналарнинг гир яйрашига,  
 Азим Суюн, белбоғ бўл эл ишига,  
 Бирорвнинг ҳаққига бек бўлма, болам.

*2010 йил*

## РОБОТ ШЕЪР ТҮҚИЙДИ

Робот шеър түқийди  
роботлар учун,  
математик ҳисоб айқашу уйқаш.  
Интернетдан менга  
боқади мамнун,  
гўё мангуликка иқболи туташ.

Ўқидим,  
ўқидим  
қалбим темирга  
айланиб кетдими... туйғусиз, беҳис.  
Тушунмайман ўзим  
ўзим кўнглигма,  
тушунмаганлигим, рост эди, афсус!

Нега, афсус, дейман,  
тушунар ақл,  
тушунар қўлларим, тушунар қўзлар.  
Шакл кўрмоқдаман  
мисоли тақа  
(От оёғин сақлар бу тақа сўзлар).

Шакл кўрмоқдаман:  
минг турлик бино,  
о, бу биноларда яшамоқ мумкин.  
Фақат мен – тоғликка  
етишимас ҳаво,  
ҳавосиз бинолар... олавер текин!

Қалбда шубҳа,  
гумон:  
шоирманми мен  
ёки шеър тўқувчи – кўзи илинган.  
Ё битта саҳройи  
чўлиқдирман мен  
итин эркалаб  
сурувин унутган?

Йўқ! Мен чечак ифорин  
ҳидлаганим бор,  
мен унда туйганман қўклам ҳидини.  
Робот шеърларида  
соғиндим бедор  
турналар тизимин кўхна ҳаддини!

Тараққиёт, асли  
сендан қўрқаман,  
Тараққиёт, асли  
қўрқмайман сендан.  
Роботлар шеър тўқир...  
гўё уқаман,  
Бироқ  
қалбим қочиб боради мендан!

2010 йил

**АБДУСАИД БУЛОФИ***(Ҳазилнома)*

Мен ким, Азим Суюнман,  
Элимнинг бел шоири.  
Ҳимматда, саховатда  
Забардасти, моҳири.  
Биттасини айтайнин:  
Ўттиз йилми нарида  
Сайр этдик бир тўп жўра  
Накурттовнинг бағрида  
Абдусаид ёнимда –  
Инсон, шоир ва носир.  
Дараларда қувладик  
Алқорларни бирма-бир.  
Бургутлар парвозига  
Ётиб олиб тикилдик.  
Қўшиқлар айтиб дилдан  
Кузги баргдек тўкилдик.  
Какликлар сайрашини  
Эшитдик қояларда.  
Кийикўтдан чой дамлаб  
Мизғидик сояларда.  
Ирғайдан асо ясаб  
Чўққиларга интилдик.  
Уларга чиқиб олиб  
Бор овоз-ла ҳайқирдик.  
Бир чўққидан тушардик,  
Кўриб қолдим бир булоқ.  
Аввали у йўқ эди,  
Янги эди бу булоқ.

Олтибайдан сўрадим:  
– Қачон пайдо бўлди у?  
У деди кулимсираб:  
– Кўноқ пойқадами бу!  
О, дедим, кўп яхши гап,  
Жўшиб кетди ҳимматим,  
Уни Абдусаидга  
Совға қилдим... ҳурматим!  
«Абдусаид булоғи»  
Аталмиш шундан буён,  
Биқирлабу қиқирлаб,  
Оқиб ётибди равон!  
Паррандаю дарранда  
Сув ичар, чўмилишар.  
Овчилар, чўпон-чўлиқ  
Нон ботириб ейишар.  
Накурт, бу – тоғ қишлоғи,  
Кўп келиб-кетар меҳмон.  
Уларни бу булоқقا  
Бошлаб келади мезбон.  
Сўзлайди жўшиб-қўшиб  
Азим Суюн ҳикматин,  
Абдусаидга совға –  
Саховати, ҳимматин!..

12 январь, 2011 йил

## ДИЙДОР ҚИЁМАТГА ҚОЛМАСИН

Нима бўлса бўлсин, деманг, дунёда,  
Кўнгил ғам тошларин қилманг зиёда,  
Сиз бугун отлисиз, бизмиз пиёда,  
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.

Ёр, деб атамоққа журъатимиз йўқ,  
Заримиз, зўримиз, ҳимматимиз йўқ,  
Боримиз – севгимиз, ғийбатимиз йўқ,  
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.

Рангимиз сарғайди – зарғалдоқ ранги,  
Ҳолимиз паришон – туёқнинг чанги,  
Умр деганлари қўнғироқ занги,  
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.

Сиз ёр бўлмоғини кутган Азим бу,  
Вафо ифоргулин тутган Азим бу,  
Сизсиз бу жаҳонни нетган Азим бу,  
Дийдор қиёматга қолмасин, келинг.

18 январь, 2011 йил

## МЕН КИМ, АЗИМ СУЮНМАН

Мен ким, Азим Суюнман, шоирлар дехқониман,  
Дехқонлар ичра эса бир сийловли жониман.

Дону дуним сўз эрур, у оқ қофозда унур,  
Бошоқ каби товланур, эл-юртим хирмониман.

Хирмоним тўқ мағизли, уялмайди оғизли,  
Туғмунчоқдай азизли, онамнинг маржониман.

Сара уруғдан сара, чала уруғдан чала,  
Чалалик – чипқон яра, гар чала сомониман.

Ғанимларим бисёрдир – қуш, чигиртка айёрдир,  
Тортиб кетар – тайёрдир, донсиз тегирмониман.

Дехқоним, дон далангда унмасин пуч-палағда,  
Элни қилма алағда, унинг дастурхониман!

28 январь, 2011 йил

**УЛА\***

Мендан олдин кетган йўловчи,  
 Йўлга тушдим сенга ишониб.  
 Ё сарбонман, ё чўлиқ довчи,  
 Ё даллиман юрган адашиб,  
 Мендан олдин кетган йўловчи.

Мен биламан Ула қаъдасин,  
 Аждодларнинг ибрати, дардин,  
 Шодлигу ғам, аламу сардин,  
 Кипригига қўнгани гардин,  
 Мендан олдин кетган йўловчи.

Бандасига кўп эрур қасдли,  
 Чорласа ҳам не ранглар васли,  
 Турланса ҳам йилларнинг фасли,  
 Бу дунёда йўл йўқdir асли!  
 Мендан олдин кетган йўловчи.

Қадим Ула бўйлаб кетгайсан,  
 Янги Ула қўйиб кетгайсан,  
 Йўлни йўлга улаб кетгайсан,  
 Қаъдаларни унутмагайсан!  
 Мендан олдин кетган йўловчи.

Мендан олдин кетган йўловчи,  
 Йўлга тушдим сенга ишониб.

17 февраль, 2011 йил

\* Чўл ва саҳроларда йўл кўрсатиш учун қўйилиб кетиладиган тош-белги.

## ЎЛАН

Бу дунё савдолари юлдузлардан мўл экан,  
 Бу дунё ғавғолари ўтиб бўлмас чўл экан,  
 Бу дунёнинг йўллари, о, бир адоқсиз йўл экан,  
     ёши неча, билмайман,  
 Умр эса ўтмоқда, умр деган довлар-ов,  
 Ўйноқлаган тойларимов, ўйноқлаган тойлар-ов!

Товларнинг тепалари ярқирайди, ярқирайди,  
 Сулув-сулув юлдузлар чақнайди, ярақлайди,  
 Дарёлар-ов, сойлар-ов шарқирайди, шарқирайди,  
     ёши неча, билмайман,  
 Умр эса ўтмоқда, умр деган довлар-ов,  
 Чарақлаган ойларим-ов, чарақлаган ойлар-ов!

Оқ ғоз учди, кўк ғоз учди бу кўлдан бу кўлларга,  
 Не қувонч баҳш этдилар не юрак, кўнгилларга,  
 Қор-бўронни пеш қилмадим мендан қочган уларга,  
     ёши неча, билмайман,  
 Умр эса ўтмоқда, умр деган довлар-ов,  
 Овхалтамда ўқлар битди, овларим-ов, овлар-ов!

Дард дегани нима ўзи, дард дегани армон эрур,  
 Армон тўла ҳар бир жонда –  
     ҳар лаҳзада бир жон эрур,  
 Одам деган бу дунёда мезбон эмас, меҳмон эрур,  
     ёши неча, билмайман.  
 Умр эса ўтмоқда, умр деган довлар-ов,  
 Дунё деган жойларим-ов, дунё деган жойлар-ов!

6 июнь, 2011 иил

**РАФИҚАМГА***(Ҳазил аралаш)*

Гулдан тоза гулимсан,  
 Ўзимнинг Ойгулимсан.  
 Гул ёстиқни гул қилган  
 Ҳам қизим, ҳам улумсан.

Келинчак бўлганингда  
 Шоҳдаги ғунча эдинг.  
 Кўрли тандирдан чиқсан  
 Юзларинг кулча эди.

Тут оғочли бешикни  
 Бешикаст кўп тебратдинг.  
 Кўнглимга доғ туширмай  
 Шабнамдай ялтиратдинг.

Сувсираган чўлимни  
 Обод қилдинг, ой қилдинг.  
 Белбоғсиз бу белимга  
 Белбоғ боғлаб бой қилдинг.

Тушларда тартиб бўлмас,  
 Шоирда ҳам тартиб йўқ.  
 Ким айтади, дунёда  
 Қай шоирда айб йўқ?

Жунуним бор-да гартақ,  
 Биласан, билмагайсан.

Кўриб туриб, жимгина,  
Гўёки кўрмагайсан.

Эркин Воҳид айтган-ку,  
Шоирлар аёлига  
Ҳайкал қўймоқ керакдир  
Бесўз, bemalolgina.

Нар қалдирғоч жуфтидай  
Ҳамон мунис, гўзалсан.  
Ҳилол Ойга айланди –  
Тўлишган Ойгулимсан.

Ўзим ҳайкал қўяман  
Бир келишган, созгина.  
Фақат етмай турибди,  
Ақчадан чўз озгина...

11 июнь, 2011 йил

## ТУРНАЛАР

Тёншон томонларданми  
 Ё Помир томонлардан  
 кўклам исин  
 келтириди еллар  
 турналар димоғига.

О, Сардор,  
 турналар Сардори  
 илғади илкис.

«Кур-р-р!..»  
 Ҳозирлик кўрмоқ керак,  
 тўпланинг, қавмдошлар,  
 Ризқ-рўзимиз бизнинг  
 бир ерда эмас тўқис!

«Кур-р-р!..»  
 Оллоҳ яратган сўнг яшамоқ керак!  
 Насиба учун!  
 Насл учун!  
 Авлод учун!  
 Омонлик учун яшамоқ керак!

Қавмдошлар!  
 Йўлга тушмоқ аввали,  
 бир эслаб олайлик  
 ўтган йилларни,  
 ўтган йўлларни!  
 Ҳеч қачон осон кечмаган йиллар.  
 Ҳеч қачон осон кечмаган йўллар.  
 Осон кечмайди умр!

Тусланиб турар булатлар каби!  
 «Кур-р-р!..»  
     Жамолунгма!  
     Непал Жамолунгмаси!  
     Дунё томи!  
 Эверест деб атар Европа уни!  
     Хинд атайди Сагартматх!  
 Ёддан чиқарманг!  
 Ундан оша учмоқ қисматимиздир!  
 У эса сарбаланд,  
     жуда сарбаланд,  
 кўклар билан бўй талашар, Жамолунгма!

Унинг устидан биздан бошқа бирор қуш зоти  
 учиб ўтган эмас,  
     учиб ўтолмас.  
 Мангу музлик нурлари тиндирап кўзларимизни,  
 гирдобли бўронлар,  
     қор қуюнлари,  
     тўфон уюрлари  
 қанотларимизни толдирап,  
     чидамоғи керак юракларимиз!  
 Ҳаёт учун курашмоқ керак!  
     Ҳаёт бу – кураш йўли!  
     Аждодлар руҳи мададкор бўлсин!..

«Кур-р-р!..»  
     Йўлбошчилар!  
     Ота-оналар!  
     Ёшларни сафга олинг!

Ўртага олинг, саф бузилмасин!  
Интизом – музаффарият!

«Кур-р-р!..»  
Олға!..

Хайр!  
Африка саванналари!

Ўтлоқлар,  
дарёлар ортда қолди,  
Филлар,  
жирафалар,  
құтослар,  
йүлбарслар  
чумолига айланиб улгурди,  
шақоллар,  
бўрилар,  
кийиклар  
зиғирчалик...

«Кур-р-р!..»  
Салом, Жамолунгма!  
Само тангриси, салом!

Ўзинг мадад бер!  
Қанотларимиз куч-қудратин толдирма!  
Кўзларимиз нурларин сўндириш!  
Биз баланд учамиш,  
биз баланд учамиш,  
юксаклик – нажот!

«Кур-р-р!..»  
Қор, бўрон-н....  
бўрон-н-н...

тинган кунинг  
борми сенинг?!

Музқуюн-н-н...

«Кур-р-р!..»

бургутлар-р... ана!..

Жамолунгманинг очофатлари!

«Кур-р-р!..»

Жангга!

...ох,

сафлар бузилди!

ҳаво-о...

ҳаво-о-о...

етмаяпти Ҳаво-о...

Ҳаёт-мамот жанг-ги!

Чақмоқлар чақди,

аждар тилли чақмоқлар...

Олишув...

тумшуқлар,

тирноқлар жанг-ги!

шиддат...

Үмганлар үмганларга урилди,

қанотлар қарсиллади!

Зирвалар чайқалар,

қоялар тебранар!

Қонлар сачрар...

кўзлар ёнар...

пат-парлар тўзғир-р!..

0,

сўнгги потроқ талвасалар...

титроқлар...

«Кур-р-р!..»

Жанг тугади!

«Кур-р-р!..»

Кур-р-р!..»

Кур-р-р!..»

Омон қолганлар сафга!

Шахидлар руҳи биз билан!

Хаёт бардавом!

Кур-р-р!..»

Чин-мочин сарҳадлари ортда қолди.

Ортда қолди

Ҳиндистон жунглилари,

Непал ўрмонлиқлари.

Кур-р-р!..»

Мастона ҳаволар...

ассалом,

оромижон воҳалар,

водийлар,

Бир ўлқаки...

ям-яшил, зангор!..

кўм-кўк кенгликлар...

кенгликлар...

кенгликлар...

Бир тўп бўз бола чопиб чиқар қирларга,  
ҳайқиришар...

қийқиришар...

турналар келди...  
турналар келди-и-и...  
ўтлоқларимизга!  
эҳе-ҳе-ҳей-й...  
аҳа-ҳа-ҳей-й...  
ў-ў-ў-ў-ў-й!..  
турналар келди,  
кур-р-р-э,  
кур-р-р-э!  
...турналар келди Ўзбекистонга!

*25 июль, 2011 иил*

## ЖАҲОН ШОИРЛАРИГА

Эй, Жаҳон шоирлари!  
 Осиё бахшилари,  
 Европа постмодернчилари,  
 Америка постконструктивистлари,  
 Африка модернчилари,  
 Шимол, Жануб,  
 Ғарбу Шарқ ёзарлари,  
 Фақат шеър ишқида ёнган шоир юраклар,  
 Кучоққа олайлик  
 ЗАМИННИ!  
 ЗАМИННИ!  
 ЗАМИННИ!

Ота сайёрамиз,  
 Она сайёрамиз  
 бугун ярадор, ўсал.  
 Унинг қоқ танида оловли ўзак ёнар,  
 алангасида айланар ЗАМИН!  
 Либосини асрой олмасақ,  
 биз қандай фарзанд, ахир?!

Табиат жамияти азалий эди.  
 Яралгани – СИР!  
 Башар жамияти бўлди пайдо! Сир эмас бу!  
 Инсоният хато йўлдан кетди!  
 Ибтидодан хато йўлни танлади башар!  
 Унинг йўли сўғиш-уруш, қирғинбарот йўли.  
 Қалдирғочлар танлаган йўл эмас бу!  
 Кабутарлар танлаган йўл эмас бу!  
 Газандалар танлаган йўл бу!

Йиртқичлар танлаган йўл бу!  
 ЗАМИНДА уруш.  
 КЎКДА уруш.  
 УММОНДА уруш!

Қон йўли!  
 Шу йўлми, ахир?  
 ЎЗДАН – АЛЛОҲ САРИ – КОМИЛЛИК ЙЎЛИ йўл-ку,  
 ахир!

Одам бўлмиш фақат ўлжа излар чирмовуқдай.  
 Неки қўрса йўлида, ямлар юҳодек!

Руҳ оҳангларин тингламас,  
 ўрмон оҳларини англамас,  
 ёвузлик ойболтаси қўлида:  
 чопар... инграр... чопар... инграр... ўрмон!

Айиқ уйқусидан уйғонмас!  
 Ҳаво... ҳаво... сўрар фаришта гўдак!  
 Жаҳон шоирлари!

Дарёга боқинг,  
 нима оқмоқдадир XXI аср дарёларида?  
 Марварид булоқнинг зилоли қани?  
 Қани, сумбулу ялпизнинг ҳидоят ифори?  
 Тоғлар, тоғлар қорининг қўнғироғи қани?  
 Қани, садафсув тошларин жаранглари?  
 Жаҳон шоирлари!

ЗАМИН титрамоқда!  
 Башар тафаккурин сарҳади чексиз!  
 «Ўн саккиз минг Олам...» дейди Шарқ.  
 Ўн саккиз минг Олам, нима у!  
 Балки ўн саккиз минг Олам –

ўн саккиз минг Галактика!  
 Балки ўн саккиз минг Қүёш!  
 Балки ўн саккиз минг Ой!  
 Балки ўн саккиз минг ЗАМИН!  
 Ва лекин қучоқقا олайлик  
     ЗАМИННИ!  
     ЗАМИННИ!  
     ЗАМИННИ!

ЗАМИННИ  
 олиму алломалар – соҳиби кашфиёт  
     сақлай олмагай!  
 Қироллар,  
     подшоҳлар,  
     императорлар,  
 президентлар сақлай олмагай!  
 Саркардалар,  
     қўмондонлар,  
     қуроллар,  
     ракеталар,  
     қаҳрамонлар,  
     сақлай олмагай ЗАМИННИ!

Жаҳон шоирлари!  
     ЗАМИН титроқда!  
 Ким гуноҳкор?  
 Гуноҳсиз банда борми дунёда?  
     Сиз гуноҳкор!  
 Ватан ҳақида ёзасиз: СЕВАМАН!  
 Миллат ҳақида битик: СЕВАМАН!  
 Севинг!

Ардоқланг!

Ҳаққингиз бор!

Аммо бугун ёзинг:

«ОТА ЗАМИН,

ОНА ЗАМИН,

СЕВАМАН!!!

ВАТАНИМ,

МИЛЛАТИМ СЕН БИЛАН БАРХАЁТ!

СЕН БИЛАН БАРДАВОМ!»

Достоевский ёзувчи эмас, Достоевский шоир!

Менинг сирдошим у, менинг мунгдошим!

«Дунёни гўзаллик омон сақлар».

Мен ёзиб қўйдим ёнига:

«Дунёни муҳаббат омон сақлар!»

Гўзаллик ва муҳаббат – қўшмағиз!

Эгизак!

Ва тағин ёзаман: «Дунёни шеър омон сақлар!»

Ҳа, ЗАМИННИ-и-и

Сизнинг шеърингиз ва менинг шеърим омон  
сақлар!

Жаҳон шоирлари!

Қучоққа олайлик КУРРАИ АРЗНИ –

ЗАМИННИ!

ЗАМИННИ!

ЗАМИННИ!

*2 август, 2011 йил*

**БИР ЎРМОНДА**

Бир ўрмонда: арзанда –  
газандаю дарранда,  
созу созгар, серханда  
давра қуриб дўст бўлди,  
ўйнаб-кулиб маст бўлди.

Бу шоҳдан-шоҳга сакраб,  
сапча боши ялтираб,  
биқинига қўл тираб,  
ишишайиб яғир маймун,  
тождор бўламан, дейди.

Тик боқиб теваракка,  
ёнғоқ йифиб кавакка,  
гоҳ чикка-ю, гоҳ пикка,  
олмахон ўйинчихон,  
тужжор бўламан, дейди.

Каламуш инип пойлаб,  
тутса, қорнига жойлаб,  
тулкиойим ўйноқлаб,  
шерхон – султон-пошшога  
гул ёр бўламан, дейди.

Капча илон – кобрахон,  
кўзойнакли гулдорхон,  
тикка боқиб, ал-омон,  
оғзини карра очиб,  
аж-ж-дор бўламан, дейди.

Нар чаён гүё безак,  
хазон устида чечак,  
думчаси гажак-гажак,  
полис маликасига  
хуштор бўламан, дейди.

Пакана юмронқозик  
ҳар жойда ҳакам-ҳозик,  
вазирларга гўр қазиб,  
ягона хазинадор –  
кардо-о-р бўламан, дейди.

Мулла мўйлов сичқонча  
бож йиғади чопганча,  
йиғиб қўйди хирмонча,  
албатта, бир кун келиб,  
шунқор бўламан, дейди.

Лопиллаб айиқ полвон,  
тебраниб у ён-бу ён,  
йиқилиб тушди чунон...  
кўлмакка панжа уриб,  
тулпор бўламан, дейди.

Дунё-дунё орзули,  
гоҳ йиғили, кулгули,  
қирда қутуриб бўри,  
ойга қараб, ишқингда  
абгор бўламан, дейди.

Балчиқдан чиқиб түнғиз,  
гүёки ишлар тифиз,  
юргилайди ғиз-ғиз,  
думини ликиллатиб,  
дастёр бўламан, дейди.

Ўрмон шохи – Шер султон,  
қаради у ён-бу ён,  
кўрдики, аҳвол ёмон,  
турди-ю... бир ўкирди,  
ўрмон кўки кўкарди!..

Бир ўрмондан бу масал:  
айиқ полвон ер асал,  
олмахон ёнғоқ ўйнар,  
маймун ўзича яйрап,  
бир сўз билан айтганда,  
даррандаю газанда,  
ҳар ёнда, кунда-шунда,  
чалавермас чирманда...

*23–24 август, 2011 йил*

## ЧҮПОН БОЛА

Баланд тоғлар бағрида  
бир чашма бор – зангори.  
Хуркиб-хуркиб сув ичар  
бу тоғларнинг алқори.

Ҳар кун чашма бўйига  
бир қиз келар қир ошиб.  
Какликларнинг куйига  
қўшиқ куйлади қўшиб.

Наъматақнинг гуллари –  
юзлари қизаради.  
Гулўтлар бош тебратиб  
оҳангларда юзади.

Дарада еллар тинар,  
ўргилар суйиб-суйиб,  
Ошиқ тоғ булбулларин  
юраги кетар куйиб.

Мен ҳам ошиқман унга,  
қояларда ёнаман.  
Борай десам қошига,  
етим чўпон боламан...

Баланд тоғлар бағрида  
бир чашма бор – зангори.  
Хуркиб-хуркиб сув ичар  
бу тоғларнинг алқори.

20 ноябрь, 2012 йил

## ГУЖУМ ОСТИДА

Гужум ости лойсупа,  
ёзилган гулдор кигиз,  
гурунглашар устида  
үтиришиб бир тўп қиз.

Орзулар инжа-инжа,  
кўзларда суратланар,  
дил тубидаги сўзлар  
тилларда куртакланар.

Ёнда пахса деворлар,  
улар оша тирмашиб,  
қовоқлар гуллаб ётар  
ошиқлардек чирманиб.

Офтобнинг шуълалари  
гулларида ўйнайди,  
қизларнинг нигоҳлари  
қараб-қараб тўймайди.

Фақат улар биттаси  
кўшилмайди гурунгга,  
қўлрўмлча тикади  
хеч ким билмайди, кимга...

Нега гапирмайсан, дер,  
бунча писмиқ бўлмаса,  
ҳой, қизлар қитиқлаймиз,  
агар сирин айтмаса.

Шаддод қизлар, шўх қизлар  
қитиқлаб кетар уни.  
Писмиқ қиз астагина  
айтиб қўяр сирини...

Гужум ости лойсупа,  
ёзилган гулдор кигиз,  
бирдан жиддий тортади  
ўтиришган гала қиз...

16 июль, 2013 йил

## **САМОВИЙ**

Самовий жисмлардан  
сақламоқ бўлиб Ерни,  
Кўкка қанча олимлар  
тикмишdir нигоҳларин.

О, балли, балли! Фақат  
унутмасинлар, гоҳи  
Ер томон ҳам қаратиб  
турсинлар нигоҳларин...

*26 июль, 2013 йил*

## ЁЗ ЎТИБ БЎЛДИМИ

Ёз ўтиб бўлдими,  
мўл ҳосил ёзи?..  
Қани, қалдирғочлар сувга урган тўш.  
Бошимда кўринмас  
улар парвози,  
Айвонимда қолди ошёнлари бўш.

Ёз ўтиб бўлдими,  
умримнинг ёзи,  
Боғимда хазонлар ётарлар беҳуш.  
Мунглиғ қуй таратар  
қалбимнинг сози,  
Юрагим симиллар, юрагим бўм-бўш...

26 июль, 2013 иил

---

АЗИМ СУЮН

---

## КИМДАН...

Кимдан вафо топдим,  
дўст-ёронданми,  
Юрагим ўғриси – ёримданми ё?  
Буғдой донидан ё  
сомониданми?  
Билмайман, ўзинг айт, эй маккор дунё?..

*26 июль, 2013 йил*

\* \* \*

Майсаларнинг илдизига тупроқ бўлдим,  
Бир қатим нур, бир қултум сув, урпоқ бўлдим,  
Улар сирли нигоҳидан нурпок бўлдим.

Шукур қилдим, кўринг руҳу ободимни,  
Ҳар тонг туриб ёдлар қилдим аждодимни,  
Дуо қилдим зурриёдлару авлодимни.

Дунёнинг гоҳ ишларидан тоқатим тоқ,  
Мунофиқлар йўлларимга қўйди тузоқ,  
Фисқу фужур, ғийбатлардан юрдим узоқ.

Руҳим бир кун қалдирғочдай учиб кетгай,  
Аммо халқим Азим отим унутмагай,  
Юрт ёдида қоладирман бир эртақдай!

25 январь, 2014 йил

## СОБИР ЎНАРГА

Собир – эллик ёш-у, лекин қирон йигит,  
 Оғир карвон, закий, марду майдон йигит,  
 Қаротовнинг қоясиdek полvon йигит,  
 Биздан салом бўлсин насрий полvonларга.

Қувкалланинг булоқларин сувидай соф,  
 Юрагининг гавҳарида адлу инсоф,  
 Истагида, тилагида иймон шаффоф,  
 Биздан салом бўлсин қалби осмонларга.

Улғайтирган алладайин чўпон найи,  
 Ойдаланинг янтоғию оққуврайи,  
 Какликларнинг қақир-қақир, куралайи,  
 Биздан салом бўлсин лола алвонларга.

Дараларда арғумоқлар дупур-дупур,  
 Кўпкарида солланди у урҳою ур,  
 Тақимига улоқларни босди масрур,  
 Биздан салом бўлсин буврил, жайронларга.

Эргаш Жуманбулбул руҳи шоддир бу кун,  
 Достонининг насрин ёзар Собир бу кун.  
 Шеърин эса ёзмоқдадир Азим Суюн,  
 Биздан салом бўлсин ота маконларга!

26 январь, 2014 йил

\* \* \*

*Йўқ, ҳаётга тўймадим ҳали.*

**Пушкин**

Йўқ, ҳаётга тўймадим ҳали,  
 Боғлар ҳамон чиройли, гўзал.  
 Кўкламойим юз очган маҳал  
 Майтан этар шафтоли гули.

Йўқ, ҳаётга тўймадим ҳали,  
 Ҳамон чорлар шарқироқ сойлар,  
 Арғумоқлар кўнглимни бойлар,  
 Ҳилпираиди ойларда ёли.

Йўқ, ҳаётга тўймадим ҳали,  
 Бинафшалар бўйин ислайман,  
 Какликларнинг куйин истайман,  
 Чорлар ул тоғ маликалари.

Йўқ, ҳаётга тўймадим ҳали,  
 Сархуш этар гулобгул жамол,  
 Ҳамон сулув мен севган аёл,  
 Ҳамон-ҳамон ҳаётим гули.

6 февраль, 2014 йил

**ЛА-ИЛАХА ИЛЛАЛЛОҲ!**

Фарзанд! Дунёга келдинг,  
жуда кенг имконинг бор.  
Эзгу ишларинг ила  
ўз ўрнинг, унвонинг бор.  
Ла-илаҳа иллаллоҳ!

Ҳеч бир нарса кўрмадим  
кўздан кўра очофат.  
Энг аввало, азизим,  
кўзингдан бўл эҳтиёт.  
Ла-илаҳа иллаллоҳ!

Нафс дегани жар-жилға,  
доим чорлар аломат.  
Нари юрсанг, албатта,  
йўлламас сенга офат.  
Ла-илаҳа иллаллоҳ!

Ёлғонлар харидори  
кулоққа сирға таққай.  
Искабтопар мисоли  
чақса, кўп ёмон чаққай.  
Ла-илаҳа иллаллоҳ!

Ебтўймас, ебқочарлар,  
гар ёнингда иззатманд,  
Билиб қўйки, ҳеч қачон  
бўйлолмайсан давлатманд.  
Ла-илаҳа иллаллоҳ!

Ён-веринг айнамачи  
тeng-тўшга тўла агар,  
Ҳаётинг кўлмак каби  
сасир, бижғир муқаррар.  
Ла-илаҳа иллаллоҳ!

Кўп жабр-зулм кўрдим  
бахилдан, ҳасадгўйдан.  
Бургутдай баланд учгил,  
улар босган из – йўлдан.  
Ла-илаҳа иллаллоҳ!

Меҳнат қилмай эришмоқ  
мумкин бойлик, шуҳратга,  
Лекин эришиб бўлмас  
чин ҳақиқат, шарафга.  
Ла-илаҳа иллаллоҳ!

Инсиз қолмас, албатта,  
ҳар илонки, тириқдир.  
Аммо инсон жонзотмас,  
унинг қадди тип-тиқдир.  
Ла-илаҳа иллаллоҳ!

Қалбинг дарвозасига  
кўп ҳам қулф соловерма.  
Ҳар неки дард бор, аммо  
ўзингга оловерма.  
Ла-илаҳа иллаллоҳ!

Қийғирнинг қийқиргани –  
тулкиларнинг ўлгани.  
Қийғир, лочиндай яша,  
Ёвинг келгай кўргали.  
Ла-илаҳа иллааллоҳ!

*20 февраль, 2014 йил*

**ҮТ***(туюқ)*

Кўқдан чақмоқлар чақиб,  
     дашт-далага кетди ўт,  
 Йўқ, бу асли ўт эмас,  
     қизғалдоқ аталмиш ўт.  
 Қизил-қирмиз гўзаллик  
     сўзанасин қошида  
 Ҳайратдан қоврилгандай  
     бўлиб кетди жигар-ўт.  
 Фиску фасод, қабоҳат,  
     разолату хиёнат  
 Босиб кетмиш дунёни,  
     сен бунда баҳридан ўт.  
 Қара, кенгликлар оша,  
     аланга тоша-тоша,  
 Кўкларга туташмиш-а,  
     бу чинданам оташ-ўт.  
 Эй, шоири Азимим,  
     қадрига ет йўлларнинг,  
 Қизғалдоқ умри – умринг,  
     оралаб оҳиста ўт!

14 май, 2015 йил

**ФИЛОН**

Ҳазрати Султон чўққисин белида  
Поя-поя бўлиб юксалмиш Филон.  
Тераклар, сарвлар ўнгу сўлида  
Бузург шарафига мисоли посбон.

Қай томон боқмагил, қорли қоялар  
Тожли – тождор зирва, газалар оша  
Ҳисор тоғларининг айиқларидай  
Гўёки Филонни қиласин томоша.

Офтобчеҳраларда оқтўш сийналар  
Сархуш чирой кўз-кўз этар фалакка.  
Булоқлар югуруар, шошар, интилар  
Ва Оқсув бўлиб сўнг отилар тикка.

Қишлоқни оралаб қолар гоҳ жондор,  
Қишида гоҳ кийиклар яқинлаб тушар.  
Тўрт ойда уч фасл кечар баробар –  
Баҳор, ёз, куз-куртак, мевалар пишар!

Қалтис ўнгирларда гиёҳлар камёб,  
Улар дамламасин ичганинг сайин  
Эсдан чиқажакдир ноёб майиноб,  
Тан сиҳат, ҳаловат туймоғи тайин.

Филон! Тонгларингни севдим нақадар,  
Бунда қалқиб-қалқиб отаркан тонглар.  
Оlamда йўқ эрур андуҳ, ғам, кадар,  
Оlamда бор эрур баҳт, ранг, оҳанглар!

10–12 июль, 2015 ийл

**МЕН – ЕРЛИКМАН**

Ё қайтарман, ё қайтмасман: шаҳид, ғозий,  
 Кучоғингдан учиб кетдим қанот ёзиб,  
 Лекин мени унутмагил кечмиш, мозий.  
 Мен – сеники!  
 Мен – Ерликман!

Нима қилай, тинч қўймайди хур тафаккур,  
 Зулматларни ёндиради нур тафаккур,  
 Юрагимга қувват қуяр зўр тафаккур.  
 Мен – сеники!  
 Мен – Ерликман!

Юлдузлардан юлдузларга ўтаяпман,  
 Ёт сайёра бағирларин титаяпман  
 Ва эҳтимол янги тарих битаяпман.  
 Мен – сеники!  
 Мен – Ерликман!

Еrim – тангри, наҳот сенинг монандинг йўқ,  
 Мен истаган Ҳаёт, ҳаво – манбаинг йўқ,  
 Эътиқод йўқ, муҳаббат йўқ, баҳт, аҳдинг йўқ.  
 Мен – сеники!  
 Мен – Ерликман!

Ҳар бир лаҳза ёдга тушар баҳорларинг,  
 Осиёвий, оврупавий виқорларинг,  
 Тонготару Кунботар шафақзорларинг.  
 Мен – сеники!  
 Мен – Ерликман!

Қайтаяпман, о, ассалом, Ота Ерим,  
Она Ерим, исларингни соғиндим дим,  
Сайёра кўп, юлдузлар кўп, узун йўлим...  
Мен – сеники!  
Мен – Ерликман!

*22 апрель, 2016 йил*

## БОТИР ЙИГИТ

Ботир йигит келбати  
бўридай туклик эрур,  
Молу мулки, давлати  
боқадр, юклик эрур.  
Хидоятли, карамли  
элин бошга кўтаргай,  
Туғдонадай тик қадди,  
йўллари эрклик эрур.  
Ору номус, шаън қадрин  
нон каби азиз тутгай,  
Мезбону меҳмонлиқда  
тутуми поклик эрур.  
Тириклик водийсида  
сардор турна бамисол,  
Хушёру сергак доим,  
бу олам кўрклик эрур.  
Дил, ақли бир инсонлар  
орасида бўл, Азим,  
Умр қисқа эмас, йўқ,  
лекин у чеклик эрур.

1 май, 2016 йил

## ЁШ ШОИРЛАРГА

Лўлидай йўлчиdir шоир дегани,  
Элларни, юртларни кезар кўргани,  
Изсиз қолиb кетмас кўрган-билгани,  
Қалбининг қаърида сози очилар.

Қаламча, нартлардан токзорлар пайдо,  
Булоқлар тоғ ёрап – оlamга шайдо,  
Тар-тар туйғулардан ижодdir сарпо,  
Ғунча япроқ ёзар, нози очилар.

Сўраб ўтиарми, учрар хор-зорлар,  
Бемордек соғлару соғдек bemорлар,  
Дили гоҳи шод, гоҳ чекар озорлар,  
Кўл кўрса, кўкларнинг ғози очилар.

Шоирим, парвоз эт, уммонларни кеч,  
Майли, ич, адолат шаробидан ич,  
“Куч – адолат эмас, – дер, – адолат – куч!”  
Адолатпешадир, қози очилар.

Отангни унутма, Ватанга таян!  
Онангни унутма, Ватанга суян!  
Оллоҳни унутма, Ватанни сев, ён!  
Умрингнинг кўклами, ёзи очилар!

*3 май, 2016 йил*

## ХАСТАЛИКДА

О, кўклам, жон қадар севаман сени,  
 Бағринг тўла инжу, сирли эртаклар.  
 Ёввойи кенгликлар тортар кўнглимни,  
 Чорлайди ёввойи андиз, чечаклар.

Софиндим сизларни, адоқсиз осмон,  
 Тошқиндай лопиллаб кўчган буулутлар.  
 Софиндим сизларни, майсазор сайҳон,  
 Софиндим, баландлаб учган бургутлар.

Ёрилиб кетай дер хаста юрагим,  
 Оҳиста силайман: чида, чидаб тур.  
 Эриб битажакдир қиши сумалаги,  
 Қишига ҳам айтасан ҳали ташаккур.

Тоғларга кетаман, шарқираган сой  
 Кўйнида чўмилгум болам сингари.  
 Ўзим ҳам билмайин, йилдан йилу ой  
 Қайтиб бораяпман болалик сари.

13 декабрь, 2016 йил

## ҚУРСИЯГА

Ҳамон чиройлисан, ҳамон гўзалсан,  
Кўзингда бир жилва: эрка ва сирли.  
Қалб китобим ичра ўша ғазалсан,  
Ўша ишвакорсан, ўша сеҳри.

Эгнингга ярашиқ саъваранг қўйлак,  
Қаршимда тек қотдинг жаннат қушидай.  
Олисларда қолиб кетган, оҳ, эртак,  
Яна пайдодирсан ногоҳ тушимдай!

Гулзор аро гуллар бош эгди бир зум,  
Бир зумга тиндилар қушларнинг саси.  
Фаввора кўзларин ёшлари сим-сим,  
Ичга тушиб кетди боғлар нафаси.

Ҳамон қоядаги жайрондек масрур,  
Капалакдан хуркар лабингда сўзлар.  
Йўқ, йўқ, сўз демагил, шундайин жим тур,  
Майли, дийдорласин бир-бирин кўзлар!

7 февраль, 2017 йил

## ЮВЕНАЛ ҚАМЧИСИН...

Ювенал қамчисин бер менга, Тангрим!  
 Пўстакдай савалай назмбозларни,  
 Сафсатабоз, чучмал, тизмабозларни,  
 Қофиябоз, сўзбоз, чизмабозларни,  
 Ювенал қамчисин бер менга, Тангрим!

Гар косиб ҳунари ҳиммату ҳикмат,  
 Ўз қасби ишига қилмас хиёнат,  
 Хиёнат қилса гар, олгайдир лаънат  
 Ва моли бозордан қайтгайдир албат!  
 Ювенал қамчисин бер менга, Тангрим!

Бу-бу шеърбозлар-о... ўйламас асло,  
 Асл шеъриятда не мазмун, маъно,  
 Бадиият нимадир, не жаранг, наво,  
 Муроди не мақом, не аъло, авло?!

Ювенал қамчисин бер менга, Тангрим!

Ростини айтсан гар, кўпидир каззоб,  
 Кимдандир ўғирлар сатр, байт ё боб,  
 Мисли қиморбоздир, чекмайдир азоб,  
 Тизмалар тўқииди қуруқ, ёлғон, дод!  
 Ювенал қамчисин бер менга, Тангрим!

Тўқишар... овозбоз қошига чопар,  
 Қайдандир отарчи нағмагар топар,  
 Ким кимнинг оғзини очару ёпар,  
 Эл ҳайрон, мен улар номидан чопар!  
 Ювенал қамчисин бер менга, Тангрим!

31 марта, 2017 иил

## ЕВГЕНИЙ ЕВТУШЕНКО

Россия!  
 Россия!  
 Қадим салтанат!  
 Мумтоз фарзандларинг ўзингдек шонли!  
 Евтушенко ўзи  
 эди бир давлат,  
 Евтушенко эди Башар виждони!

Евтушенко ўлди!..  
 Пайдор “Озодлик”  
 Совуқ бу хабардан тушди бир қалқиб!  
 Унинг шеърияти  
 асл абадлик,  
 Унинг шеърияти қолажак балқиб!

Евтушенко марҳум!  
 Ижодхонаси  
 Курраи Арз эди, бутун шу Замин!  
 Кўз ёшга айланди  
 Эверест қори,  
 Инсонким дуода: “Овмин!” ё “Амин!”

Евтушенко марҳум!  
 Тугади, наҳот,  
 Ҳақиқат ҳаёти – афсона, эртак.  
 Ҳайкали бўлгайдир  
 энди Адолат,  
 Уни кутиб олгай бугун Пастернак!

Алвидо айтмайман,  
Сизга улуғ зот!  
Мен ким, Азим Суюн, бир шеъри толиб.  
Ҳайқириб айтаман:  
ҳеч қачон, ҳеч вақт,  
Ўлим бўлолмагай чин шеърдан ғолиб!

*2 апрель, 2017 йил*

## ЎЗБЕК БОҒЛАРИ

Ўзбек боғларида кўпирди гилос,  
Кўпирди олчалар, ўриклар қийғос,  
Сийм – тароват атлас-шойиларга хос,  
Баҳор қучоғида ўзбек боғлари.

Нимчалар кийишиб гўё парилар,  
Ойлардан тушдими асаларилар,  
Гуллардан бўсалар олиб пириллар,  
Баҳор қучоғида ўзбек боғлари.

Юлдузларга етди гуллар ифори,  
Ошиб қолдимикан улар хумори,  
Учиб қолмишdir гоҳ бу боғлар сори,  
Баҳор қучоғида ўзбек боғлари.

Оlamda ne mavjud xush navo, erkin,  
Bўron yўқ, tўfon yўқ, bor nasim, epkin,  
Kўrmadim gўzallik, latofat chekin,  
Baҳor қучоғида ўзбек боғлари.

Хаёл кўзгусида ёзги шарбат, tot,  
Ҳарки хасталарга бағишилар ҳаёт,  
Юртимга йўлама қора аёз, бод!  
Баҳор қучоғида ўзбек боғлари.

7 апрель, 2017 йил

## ҚИМИЗЧИ ҚИЗ

(Ҳазилнома)

Нима яхши, қир яхши,  
 Қирда ўсган дир яхши.  
 Нима яхши, хушқилиқ  
 Қимиз қуйган қиз яхши.

О, Қамчиқ довонида  
 Шундай қизни учратдим.  
 Пайдо бўлди ёнимда,  
 Лабимдан бол сачратдим.

Қимиз қуиди қуралай,  
 Бир жуфт коса симирдим.  
 Қимизингдан ўргилай,  
 Кўзим унга сузилди...

Ийиб кетдим чоғи-ёв,  
 Муччи олдим, шунчаки...  
 Энди доғи кетмас-ов,  
 Едим битта тарсаки.

*8 апрель, 2017 иил*

**ОНАМ, ОНАЖОНИМ**

Тақдир ҳар лаҳзаси синов, беаёв,  
 Сочингиз супурги, қўлингиз косов,  
 Турмуш тушовлари, тилларда буров,  
 Лекин заҳматлардан нолимай бирров,  
 Умрингиз кечди-я, онам-а, онам.

Юрагим зирқирап бугун эсласам,  
 Томирларим тугун-тугун эсласам,  
 Арзигай оҳ чексам, кун-тун эсласам,  
 Нега эсламадим бурун, эсласам,  
 Онам, онажоним, онам-а, онам.

Олти ўғил шоввоз, елни тўсмадик,  
 Олти йўл, гоҳ тўғри қадам босмадик,  
 Кулоқли эдиг-у, қулоқ осмадик,  
 Қозон осдик, аммо қувноқ осмадик,  
 Онам, онажоним, онам-а, онам.

Фалаклар айланди, айланди даврон,  
 Невара-чевара, кун дориломон,  
 “Бир қизим бўлсайди...” – умрлик армон,  
 Бир қиз бўлолмади келин – олтовлон,  
 Онам, онажоним, онам-а, онам.

Қоратоғларимда ботиб борар кун,  
 Бовури жафокаш, қонталаш бутун,  
 Умр бўлармикан беармон, гулгун,  
 Мунғайиб қарайман жимгина, беун,  
 Онам, онажоним, онам-а, онам.

*29 апрель, 2017 йил*

## КИМ КҮРИБДИ

Ким күрибди сайёр  
 бир овворасин,  
 Дунёда мен каби Заминпараст йўқ!  
 Телбадай севолдим  
 Ер сайёрасин,  
 Айландим, ўргилдим, кўнглим ошно, тўқ.

Тараққиёт, шашт  
 бутун Ер шарин  
 Боғлаб ташладилар Вақту Маконда.  
 Бугун Париждаман,  
 эртан кутар Рим,  
 Индинга юрибман Вашингтонда!

Эрталаб боғимда  
 узилган гилос,  
 Тушликда безайди Рус дастурхонин.  
 Ширин неварамга  
 шоколаддир хос,  
 Ҳинд диёрининг ширин банани.

Она – Сайёра, бу  
 кўкайимда жо,  
 Ҳар бир гиёҳининг ўзи менга тот.  
 Тождор Жамолунгма  
 туманлар аро  
 Бир умр қалбимга солди-ку ҳайрат!

Кўнглинг тоза бўлса,  
очиқдир ҳар юз,  
Қора юрак билан юрма, биродар.  
Оқиллар, оқинлар  
айтмайди бежиз:  
Куёш нури барча учун баробар!

Барҳақ, мен даҳоман!  
Хур, эркин фарзанд!  
Дахлдор шоирман аҳли башарга.  
Бу дахл қилмагай  
ҳеч қачон, ҳеч вақт  
Она Ватанимни севиб яшашга!

*30 июнь, 2017 йил*

## КЕНГУРУ ХАЛТАСИ

(Қонқұв)

Кенгурунинг халтаси,  
Бола боқишиң жойи бу.  
Энг меҳрибон жонзотдир,  
Халтаси – баҳойи бу.

Хозир гап бу ҳақдамас,  
Битта шеърбоз ҳақида.  
Унинг ҳам халтаси бор,  
Тақиб турар вақтида...

Борар турдошларига,  
Топади хешларини.  
«Мукофотнинг зўри бор...» –  
Халтасини ташлайди!..

Навбатдаги мукофот  
Пишлокдай тайёр эрур.  
Шундай қилиб назмбоз  
Энг зўр шоир аталур.

Хешлари-чи, хешлари,  
Хандон-хандон отади.  
Бу кенгуру шеърбознинг  
Номин элга сотади.

24 август, 2017 йил

## ДҮРМОН ТОНГЛАРИ

Танти тонглар, фараҳбахш тонглар,  
Илоҳий ранг, шаффоф тароват.  
Боғлар аро жимжит оҳанглар,  
Биллур жаранг, самовий роҳат.  
О, Дўрмон тонглари, Дўрмон тонглари.

Ишкомларда тарсиллар узум,  
Ҳар донаси пари кўзидек.  
Олгинг келмас бандидан узиб,  
Ороланар тонглар қизидек.  
О, Дўрмон тонглари, Дўрмон тонглари.

Сукунатни синдириб бир жуфт  
Зарранг саъва «чағ-ғ», «чағ-ғ»лаб учар.  
Икки қумри қоқишиганча кифт,  
Бир-бирини суюшиб қучар.  
О, Дўрмон тонглари, Дўрмон тонглари.

Тоғлар оша тилла толалар  
Жилвалари чиқар таралиб.  
Чирчиқ дарё бўйлаган толлар  
Солланади нурда тараниб.  
О, Дўрмон тонглари, Дўрмон тонглари.

Бу ҳаволар, қандай ҳаво бу,  
Дўрмон тонги ҳаволариdir.  
Бу наволар, қандай наво бу,  
Ўзбекюртим наволариdir.  
О, Дўрмон тонглари, Дўрмон тонглари.

25 август, 2017 йил

## ЭЙ ФАРЗАНД

Арғумоқ минибсан, келди пайт, галинг,  
 Кудрати қувватдан қурч эрур белинг,  
 Faқат айт, аниқми борар манзилинг,  
 Муроди манзилинг айтиб кет менга.

Очиқ юз йигитнинг йўли очиқдир,  
 Қалби қўр йигитнинг қўли очиқдир,  
 Лекин гумоним бор – тили очиқдир,  
 Муроди манзилинг айтиб кет менга.

Деҳқон дон саралар, сарасин эккай,  
 Туманга ўқ отма, Раббимга теккай,  
 Чин йигит ор учун жонини тиккай,  
 Муроди манзилинг айтиб кет менга.

Қайтмоқни ўйлагил тоққа чиқмасдан,  
 Заҳрини англагил чаён чақмасдан,  
 Қозондан нари юр, юқи юқмасдан,  
 Муроди манзилинг айтиб кет менга.

Йигитнинг муроди аниқ бўлса гар,  
 Минган аргумоғин туёғи чақнар,  
 Азим Суюн айтар, сен фарзанд-жигар  
 Муроди манзилинг айтиб кет менга.

7 сентябрь, 2017 йил

## ОНАЛАР

Хаёт – хур боғ.  
Гуллайди қийғос,  
Сўнг гуллари кетгай сочилиб.  
Мевалари қолгай  
хосу мос,  
Кўз яиратар тун-кун очилиб.

Ўша қийғос –  
Гуллар оналар,  
Болаларин қолдириб ортда,  
Гуллаб-яшнаб,  
қилмай нолалар,  
Сўнг жимгина ўтар ҳаётдан.

21 октябрь, 2017 йил

## ИБРОҲИМ ҒАФУР

Устоз Иброҳим Ғафур қалбидა сўз,  
Милён-милён сўзким – эланаётири.  
Мени ол, дафтарингга бўлайин кўз,  
Бир-бир тиланчидек тиланаётири.

Жозибамни кўрсат, дейди, халқимга,  
Мен оддий мис эмас, тилло тангаман.  
Юзимни оч, дуо қилгил ҳаққимга,  
Эзгулик йўлида кирай жангга ман.

Бири дер: «Назардан қочирма мени,  
Мен – руҳман, мен билан бўлгин суҳбатдош».  
Бири дер: «Астойдил артгин чангимни,  
Дастур тасбеҳингда бўлгум ҳикматдош».

Бири дер: «Мен наво, танбур навоси,  
Урғу-урғу бўлиб бергумдир жаранг».  
Бири дер: «Мен бўлгум қалблар сафоси,  
Юракда аланга, юзларда олранг».

«Мен ноёб тотли сўз», – дейди қай бири,  
Қай бири дер: «Ўзим – Кимё – Эликсир...»  
Иброҳим Ғафур эса ҳар бир сўзни  
Ғалвирдамас, элакда элаётири!

6 декабрь, 2017 иил

## УСТОЗ

*Муаллима Маҳмуда Валиевага*

Фақат онагина эмас, она қуш  
Ўзин зурриёдига – полапонига,  
Темир қанот чиқарар бола қуш,  
Устозликка ўтар шу кун ёнига.

Сабоқ бошлар она – қадрдон,  
Ушбу –  
Сабоғин оламга этгулик достон:  
“Емак донинг бўлсин танангга дору,  
Ичган дорунг бўлсин тан-жонингга дон!”

Ўша она қушдир Устоз, Муаллим,  
Оналиқдан ўтар Устозликка у.  
Сўзимиз хушдуур Устоз, Муаллим,  
Юраклар – гулчамбар, эъзозимиз бу!

9 январь, 2018 йил

## ЎЗБЕК

Нималарни яхши кўради ўзбек?  
 Уйларини яхши кўради ўзбек,  
 Тўйларини яхши кўради ўзбек.  
 Тўйларига атайлаб боқсан  
 Кўйларини яхши кўради ўзбек.

Нималарни яхши кўради ўзбек?  
 Оналарин яхши кўради ўзбек,  
 Болаларин яхши кўради ўзбек.  
 Булутдек бир парча ери бўлса ҳам,  
 Далаларин яхши кўради ўзбек.

Нималарни ёмон кўради ўзбек?  
 Орига текканни ёмон кўради,  
 Ёрига текканни ёмон кўради.  
 Ватанин сўкканга, балки, индамас,  
 Онасин сўкканни ёмон кўради!!!

Азим Суюн айтар: бу халқقا балли!  
 Тоғ бўлса, булоғи бўлсин, дейди у,  
 Боғ – меҳригиёҳи бўлсин, дейди у,  
 Узангига оёқ босмасин орсиз,  
 Эр бўлса, сиёғи бўлсин, дейди у!

1 июнь, 2018 йил

**НОЗИГИМ***(Халқ үйлида)*

Ана давра, мана давра,  
 Ўйна, ўйна, нозигим.  
 Нозларингнинг нози сурма,  
 Нозинг қўйма, нозигим.

Айланайин, нозигим,  
 Ўргилайин, нозигим.

Самбиттолнинг новдаси  
 Белларинг-о, нозигим.  
 Қумри бўйнин ҳалқаси  
 Айланаси, нозигим.

Айланайин, нозигим,  
 Ўргилайин, нозигим.

Қиз боланинг соchlари  
 Хазинаси, нозигим.  
 Ўримин бурамаси  
 Ор, ибоси, нозигим.

Айланайин, нозигим,  
 Ўргилайин, нозигим.

Жайроннигоҳ, жайронқадам,  
 Жоду қадам, нозигим.

Азимингни сақла, эгам,  
Жоду – оғу, нозигим.

Айланайин, нозигим,  
Үргилайин, нозигим.

*10 июль, 2018 иил*

## ҲАСАД

Қоракўл папағларин егувчи куя – ҳасад,  
Дон сара уруғларин егувчи куя – ҳасад.

Куни-туни тинчимас, мита дейди эл уни,  
Гарчи митти гўбалак, қутурган тuya – ҳасад.

Ўша гўбалак – тuya киши қалбидан пайдо,  
Омадёрларга бергай гўёки ҳадя ҳасад.

Ва ҳатто дўст-ёронин дўзах ўтига отар,  
Жонибидан фалаждир қанчалаб мия ҳасад.

Азим Суюн, инонгин, ҳасад кўчатин эккан  
Бало мевасини ер, гувоҳ бу дуня, ҳасад!

*20 сентябрь, 2018 йил*

## МЕН ФАҚАТ ЯРАТГАН...

Мен фақат яратган Эгам қулиман,  
 Бошқа ҳеч кимсага қилмайман қуллук.  
 Шоирман, коинот фуқаросиман,  
 Заминда, ишқдан қадамим қутлуғ.

Кўқдаги изиман қушлар парвозин,  
 Қалб кўзинг тиниқми, қани, қараб кўр.  
 Ўн тўрт кунлик тўлин ойнинг созиман,  
 Унинг жарангидан юракда суур.

Тунги сой шарқирап, унинг сувлари  
 Ўркач-ўркач бўлиб отади тўлқин.  
 Унга миниб олган кўк юлдузлари  
 Ўйнайди жимиirlаб, сачратиб ёлқин.

О, ҳаёт нақадар гўзал ва тотли,  
 Ҳатто озорлари азиздир менга.  
 Ойдин орзуларим ҳур, муҳаббатли,  
 Ҳали кўп қўшиқлар куйлайман сенга...

Руҳим булоқлари, қайнар булоқлар,  
 Томир-томиримда шовуллайди боғ.  
 Мен – Ҳақ шоириман, қутлар япроқлар,  
 Қани, дўст, май келтириб, кўнгиллар бедоғ.

27 сентябрь, 2018 йил

**БОЛАЛИГИМ**

Накурт юрт тоғларида  
 гулдай ўсиб-ундим мен.  
 Бешбармоқ қояларин  
 тuya қилиб миндим мен.  
 Какликлар, тоштүрғайлар  
 саслари жодулади.  
 Жўрам бўлди олқарлар,  
 goҳ уларни қувладим.  
 Паррандоз бургутларин  
 чиқдим ошиёнигача.  
 Кирдим бир бобом каби  
 бўри маконигача.  
 Ҳақ бўлсанг, онт ичма, дер,  
 гапларимда йўқдир лоф.  
 Ботирлиқ, кўзи тўқлик  
 Насл-насабимдан соф.  
 Отамнинг белбоғида  
 Яссавийнинг «Ҳикмат»и,  
 Мол ортидан юрардим,  
 ўқиб берарди уни.  
 Ота Арча шовуллар  
 Бешбармоқ қаршисида.  
 Шохларини синдирмай  
 ўсдим меҳри-ишқида.  
 Улуғвор лола бунда  
 Алп жигитнинг кафтидай,  
 Куйдиргидай қўлингни  
 офтоб ўтин тафтида.  
 Улғайгунча болада  
 от бозори, тиним йўқ,

Накуртсойда, эҳтимол,  
чўмилмаган гумим йўқ.  
Фақат ширмойи балиқ  
авлоди мендан хафа,  
Кўйлагимни тўр қилиб,  
овладим-да кўп дафъа.  
Чўнг қоялар устида  
ҳамон Мирзақўрғоним,  
Болалигим ўтган уй  
Ўшал тош-тоғ қўрғоним.  
Тоғларим қоқ белида  
қайнаб ётар Оқбулоқ.  
Чўлиқ болани кутар,  
Чўлиқ бола... йўл йироқ.  
Лекин менга Ўзбекюрт  
Накурт эрур каттакон.  
Дунё аҳли атайди  
Бу юртни Ўзбекистон!

13 январь, 2019 йил

## ЖОНОНЛАР

(Ҳазилнома)

Ақчага ўч бўлгай  
Жононлар зоти.  
Улар қуш бўлса гар,  
ақча қаноти.  
Доимо норози  
эркакларидан,  
Ақча чўз, ўптирас  
этакларидан.  
Бу ҳазил, бу гапни  
айтдим, шунчаки.  
Жононларга айтиб  
ема тарсаки!

6 февраль, 2019 йил

## ТОШКЕНТ - СИТИ

*(Рено-достон)*

### БИРИНЧИ ҚИСМ

#### МУҚАДДИМА

Улуғ офтоб билан  
келдик рўбарў,  
Хур нур ила бирдек ташладик қадам.  
Кучди оламий шон,  
мартаба, обрў,  
Оlam аро Olam – Ватан муаззам!  
Бугунги лаҳзалар  
ўлчови чексиз,  
Вақт ҳисоб-китобда адашгай ҳатто.  
Уй-жой, иншоотлар,  
йўллар мислсиз,  
Ақлу фан, тафаккур эрур раҳнамо!  
Қайдаким озодлик ва  
тинчлик – ҳикмат,  
Қайда эркин меҳнат, устувор илҳом,  
О, ўша жойдадир  
инсоний қиммат,  
О, ўша жойдадир иззат, эҳтиром!  
Туғдана дараҳтиң  
томири пайдор,  
Метин қояларнинг ҳаёти боис.

Шундай, Ўзбекистон,  
 халқим бунёдкор,  
 Теран кенгилкларни бўйлайди олис!  
 Дунёда ҳеч бир халқ,  
 айтаман очик,  
 Нонни қадрламас халқимдек менинг.  
 Шу учун, энг аввал  
 қудрати холиқ  
 Баҳтин дондай азиз қилсин халқимнинг!  
 Бу кун заковати,  
 бу кун шиддати  
 Олдида Фарҳодлар келтиролмас шак.  
 Янги кўприкларнинг  
 янги талъати,  
 Кўнгилларга сурур бағишлар бешак!  
 Шимолдан Жанубга  
 ва Шарқдан Ғарбга  
 Қизилқум, Қоракум – уфқлар оша  
 Овин қувлаётган  
 йўлбарсдек зарбда  
 «Афросиёб» манзил томонлар шошар!  
 Булут орасидан  
 учганча келиб,  
 Темирйўллар узра бургутдек гўё,  
 Қамчиқни қоқ ёриб,  
 Водийга елиб  
 Поездлар учади, айланар дунё!  
 Уч тулпор!  
 Беҳиштни оралаб кетар,  
 Юлдуз гулларини сочмишдир осмон.

Шоир шеърларини  
 ҳикматдек битар:  
 Фавворалар кўкка отилган түғён!  
 Оналар сандигин  
 сепини ёйиб  
 Кўрсатгани каби қуда-андага,  
 Жавзо шамоллари  
 эсдилар ғолиб,  
 Оқсарой сирларин очди дунёга!  
 Устюрт кенгликлари...  
 бу сахро эмас,  
 Саноатимиз қурч хазиналари.  
 Зарбдор мажмуалар  
 келажакка хос,  
 Шу ерларда бунёд бўлгайдир бари!  
 Собит йўлда толмас  
 событсўз Сардор,  
 Унинг билан боқий жонпайваста халқ,  
 Унинг йўлларида  
 не эрур пойдор,  
 Давлатбоши ила камарбаста халқ!  
 Ватан ўғлонлари,  
 қайроқ қизлари,  
 Спорт мактабларин ёш туғдорлари,  
 Кўрсатмоқда асл,  
 алп ўзбегин,  
 Бугун улар Ватан ифтихорлари!  
 Баҳор такрор-такрор,  
 бетакрор, лекин  
 Одам юрган йўллар янги ҳар қачон.

Ватан эртасининг  
 чин ҳақиқатин  
 Башар кўз олдида этар намоён!  
 Ҳаво лайнерлари  
 шиддат-ла учар,  
 Вақт учар шиддат-ла бамисли чақин.  
 “Ким эдигу ким бўлдик” –  
 ўй опқочар,  
 Шўр ўтмиш баъзида келади яқин!  
 Мустабид тузумнинг  
 тўр ёлғонлари  
 Ўраб-чирмаб олган эди ҳар ённи.  
 Қизил шиорларнинг  
 кир алвонлари  
 “Безаб” тураг эди ҳатто ёбонни!  
 Бир бошдан сўзламоқ  
 эмасдир пайти,  
 Ўтган у кунлардан сабоқ олсак, бас.  
 Авлодларим, қалқинг,  
 баралла айтинг:  
 Мустақиллик боқий бўлсин ҳар нафас!

### **ШАРАФНОМА**

Сени шарафлайман,  
 замондош авлод,  
 Сени шарафлайман, замондош наслим.  
 Турфа гуллар тутиб  
 турибди ҳаёт,  
 Дуогўйдир улуғ аждодим – аслим.

Мағрибий Тёншон  
 соф ҳавосининг  
 Биллурий йўллари оқими аро  
 Тошкент-Сити тикка  
 кўтармоқда қад,  
 Менинг Осиёмда бугун ягона!  
 Азалий қонида  
 эрур Ўзбекнинг  
 Эмиш, у бойиса қуарар иморат.  
 Кўрингким, ҳаттоқи  
 сўми-пулида  
 Кўш-кўш иморатлар – танга ҳарорат.  
 Кўхна “Регистон”у  
 “Темур музейи”,  
 “Олий Мажлис”, “Сенат” бинолари жам.  
 Уларни бағрига  
 босиб юради  
 Дунёнинг у бурчи, бу бурчида ҳам.  
 Бахт сандиқда, калит  
 осмонда эмас,  
 Бугунги лаҳза, кун, ойлар гувоҳдир.  
 Ким вақти, умрини  
 ўтказса зое,  
 Вақт – унинг душмани, умри гумроҳдир.  
 Улуғ ҳодисотлар  
 юз бермас ҳар кун,  
 2018. Етилди фурсат.  
 Замон – ҳамроҳ  
 олға кетган инсонга,  
 Юртбоши қалбида меъморий шиддат!

“Тошкент-Сити”  
 шаҳар ичида шаҳар,  
 Бошланди, қурмоқлик – яратмоқ демак.  
 Бир шаҳар бўлгайки,  
 кеча-кундузи  
 Кўқдан тушиб муқим қолгай камалак.  
 Соҳибқирон Темур –  
 буюк бинокор  
 Бобомнинг руҳлари миннатдор бугун.  
 Оқ-оппоқ булутлар  
 ичинда кезар,  
 У азиз халқимга мададкор бугун.  
 Сени шарафлайман,  
 замондош авлод,  
 Сени шарафлайман, замондош наслим.  
 Турфа гуллар тутиб  
 турибди ҳаёт,  
 Даугўйдир улуғ аждодим – аслим!

## 2018 ЙИЛ, НОЯБРЬ ТАНИШУВ

*“Тошкент-Сити” пойтахтимиз марказидаги 80 гек-тар маидонни эгаллайди. Фақат бинолар қуриладиган ер сатҳининг ўзи 1 миллион 400 минг квадрат метр.*

**(Матбуот хабаридан).**

Йигирманчи аср,  
 Ундан ҳам нари,  
 Маҳалла ерлари  
 эди бу ерлар.

Йиқилиб кетгудай,  
 нураб битгудай,  
 бетартиб қурилган  
 уйлар, деворлар.  
 Күчалар бурама,  
 тор, эгри-бугри,  
 ўйдиму чуқурлар  
 лой кузу қишда.  
 Дуч келиб қолишса  
 икки арава,  
 бири кутар эди  
 бир муюлишда.  
 Камина “Үқчи”да  
 яшадим уч йил.  
 Ижара. Кундуз иш.  
 Ўқишиш кечқурун.  
 ...Кириб бормоқдаман  
 “Тошкент-Сити”га.  
 Ўзимча бир достон  
 битмоқлик учун.  
 Оҳ-ҳ!..  
 Тўрт томон қайнок,  
 ҳаммаёқда иш.  
 Иш деган ҳам шундай  
 бўлурми, ҳайҳот!  
 Ҳар ёнда пойдевор,  
 турлик қурилиш.  
 Бир бино бўлибди,  
 мана, ўн қават!  
 Яқинлаб бораман,  
 Бир қиз крандан

Шошилмай, оҳиста  
келмоқда тушиб.  
Этларим бижирлаб  
кетди, ишонинг,  
қолдим ихтиёrsиз  
ёқамни ушлаб.  
Боиси, ўзбек қиз,  
ёш, истарали.  
Наҳотки, кранчи  
бўлса-я шу қиз.  
Танишдик.  
Наргиза.  
Тушлик қилмоқقا  
тушмоқда экан у.  
Ҳа, кранчи қиз.

### **КРАНЧИ ҚИЗ**

*Одам эрсанг ташқи суратга берма зеб,  
Она Юртингни ҳамиша айла зеб.*

**Анбар Отин**

Еру кўк айланар  
ўз теграсида,  
Ҳеч қачон, ҳеч кимга  
бермайди ҳисоб.  
Лекин Инсоният  
харитасида  
Ўз уйи – Ер шари  
ҳисобли боб-боб.

Ватан деб аталмиш  
макон китоби  
Ўқилур бетма-бет,  
варақма-варақ.  
Ёшгина кранчи  
қизнинг моҳтоби,  
Меҳнату ҳунардан  
чақмоқдай ярақ.  
Ҳар куни юксакка  
кўтарилар у,  
Юлдузга айланар  
ердан узилиб.  
Йўқ! Ердан узилмас,  
унда юмуш мўл  
Ва қанча ташвишлар  
турар тизилиб.  
Барига улгуарар...  
У осмон қизи.  
Уни шундай атар  
бутун жамоа.  
Ваҳмкор, ҳайбатли –  
сариқ крани  
Тонналаб юкларни  
ташир бирйўла!  
Кимга бетон керак,  
кимгадир темир,  
Ғиштларни басма-бас  
етказмоқ керак.  
Қўрқув нималигин  
билмайди қурғур,  
Тўрт ён назарида,  
ҳар лаҳза сергак!

Наргиза дедики:  
“Мен ўзлигимни,  
Тўғриси, ахтариб  
юрадим қўпдан,  
Йўл йўлни топади,  
тополдим уни,  
Самовий маскандан,  
шу кенглик – Кўқдан!  
Чирчиқ водий бўйлаб  
чиқади офтоб,  
Эпкин, шуълаларга  
юзим тутаман.  
У меҳнат қилгайдир  
биз билан обдон,  
Шомда хайрлашар...  
мен ҳам қайтаман”.  
Ўз пайти келганда  
гуллайди дараҳт,  
Наргиза дараҳти  
гуллаган қийғос.  
Унинг tengқурлари,  
бўлмангиз караҳт,  
Арзигай сиз унга  
қилсангиз ҳавас!  
Баъзи адашганлар...  
шаҳарма-шаҳар,  
Сарсону саргардон  
юргувчилар бор.  
Уларга бегона  
меҳнату ҳунар,  
Саёқ умидлару  
орзулари ёр.

Алҳазар, улардан!  
 Туққан ерингда  
 Түғинг тик ҳамиша,  
 ёниқ чироғинг.  
 Унутма, сақлагил  
 қалб-кўйайингда,  
 Ватанда бўлгайдир  
 бардавом боғинг!  
 Наргиза! Пишган гил  
 чиннисисан Сен,  
 Чинниким, биллурый,  
 покиза, тоза.  
 Аср XXI.  
 Ўзбекистонга  
 Очилган, очилгай  
 ойдин дарвоза!

### **“ТОШКЕНТ-СИТИ” – “АҚЛЛИ ШАҲАР”**

*Хеч иш ўлмас айру Холиқ амридин.*

**Алишер Навоий,  
 “Бадоеъ ул-васат”дан**

“Тошкент-Сити”, бу –  
 “Ақлли шаҳар”.  
 Қандай шаҳар у  
 Ақлли шаҳар?  
 Ҳар иморатда  
 аниқ қиёфа.  
 Қўноқ адашиб  
 қолмас бир дафъа.

Мана, бу бино  
доирасимон.  
Тепадан боқсанг,  
зангор кўлсимон.  
Мана, буниси  
очиқ китобдир.  
Ўқийман, десанг,  
қават, боб-бобдир.  
Мана, бу “Бобил  
минораси” – тик.  
Асрлар ошиб  
Бу Шошда “тирик”.  
Анов бинога  
бир дам қара-чи,  
Очилаётган  
гул ғунчаси у!  
Пирамида ё  
Куб, ҳалқа янглиғ  
биноларга бок,  
бари нақллик.  
Манов бинолар  
подъезд – маҳалла.  
Фалакка қараб,  
тик урар калла!  
Ҳар бири барпо  
бўлгай пўлатдан  
рангдор шишалар  
мустаҳкам, қат-қат.  
“Смарт” шаҳарда  
4G мобиль

интернетига  
эга бўлмоқ шарт.  
Wi-Fi билан у  
алоқаларга  
чақмоқ тезлиги  
ила боғланар.  
Электр қувват  
манбай тоза,  
онлайн зумда  
соз ярақланар...  
Авто сақланар  
Smart parking да.  
Ижарапарга  
берилар осон.  
Бундай шароит,  
тараққиётга  
муносиб бўлмоқ  
керақдир Инсон!  
Ҳар бино ичи  
Фаслларга хос.  
Қиши чоғи иссиқ,  
Ёзда салқин мос.  
Хоналар тоза,  
Ҳаво мўътадил.  
Қуёш тик тушмас,  
Кўз қамашмас, бил.  
Ҳар бир қаватда  
Осма боғ, гуллар.  
Росмана дарахт,  
Росмана гуллар.

Эртакми, дейсан,  
Ногоҳ-баногоҳ,  
Отилиб ётар,  
Фавворалар, оҳ...  
Қаватма-қават  
бурам-бурам йўл.  
Пиёда чиқ ё  
Лифтда кўтарил.  
“Офис”лар 45 –  
50 қаватли.  
Тегрангни қуршар  
Оп-поқ булутлар.  
Меҳмонхоналар  
5 та юлдузли.  
Кулф урар боғлар  
кеча-кундузи.  
Ресторан, кафе  
Таомли хил-хил.  
Қиши, кўклам, ёзи  
мевалар сархил.  
Бунда Оврўпа,  
Осиё бунда.  
...Ҳозирча, мана,  
У қурилмоқда!

## ПОЙДЕВОР

“Тошкент-Сити” лойиҳачилари йирик бир муаммога дуч келишиди. Замин, ернинг мураккаб геологик структураси, геотектоник хусусиятлари...

**(Матбуот хабаридан).**

Осмоний ва заминий  
ходисотлар тўқнашар.  
Улар таг-замирида  
муаммолар қалашар  
Ва лекин Инсон ақли,  
тафаккури – Етакчи,  
Ечилмас муаммони,  
Қани, менга кўрсат-чи?!  
Пармалар ишга тушди,  
Ишга тушди бурғулар.  
Заминнинг қат-қатлами  
Илондайин буралар.  
Ўлжасини кўргандা  
жимқириб қанотларин,  
Ҳавони ўқдай тилиб  
шундоқ отилар лочин.  
Ха, қирқ беш газ, тағин қаз,  
Эллик газ, мана, етар.  
Бундайин қурилмада  
Бинолар осмонўпар!  
Бир минор пештоқида  
Ўқигандим шундай гап:  
“Пойдевор тагин ишла,  
Иморат умри абад!”

Боқ, пойдеворлар тайёр,  
Пойдеворлар метиндек.  
Улар таг-саботига  
Сарҳад йўқдир, йўқдир чек!  
Боис, бирлашдилар фан,  
Тажрибаю тафаккур.  
Инсон заковатига  
олам-олам ташаккур!  
Кунчиқар мамлакати  
Япониядан келди Дўст!  
Зилзилашунос олим,  
Ўз касбida йўқ кам-кўст!  
Тупроқдаги оддий гил  
сири унинг қўлида.  
Ҳар муаммо ечилур  
Онг-шуурин йўлида!  
Амриқолик мұҳандис  
Ўзбекка бўлди қўрдош.  
Россиялик инженер  
Азал-азалий йўлдош.  
Расамадинг ёнингда –  
Отинг йўлда қолмагай.  
Чин дўстлик, биродарлик  
Тулпорлари толмагай!  
Қанча иморат бўлса,  
Қўтарар Ўзбек Замин.  
Чин-мочин ерларидан  
Йўқ, Тошкент Ерин ками!!!  
Копенгаген, Сингапур.  
Стокгольм, Токио,

Сан-Франциско, Цюрих  
ерлари наҳот аъло?  
Амстердам, Женева,  
Мельбурн ёки Бостон,  
“Сити”лар қуриб бугун,  
Ахир, тилларда достон.  
О, йўқ!.. Ўзбек Замини  
Аллоҳ назаридаидир.  
Ҳар қаричи дуода,  
Назаркардадир Хизр!

## ҚОРАТОШИЙ САҒАНАСИ

*Маълумотларга кўра, Ҳожа Аҳмад ибн Мир Али Шоший Қоратошибий 1788–1889 йилларда яшаган. Ҳалқ орасида “Аҳмад Маъдум” номи билан машҳур бўлган. Аҳмад Маъдум томонидан Жиззах, Зомин шаҳри, Ўратепа шаҳар (Тоҷикистон Республикаси) ва Шайҳонтоҳур туманида 4 та масжид қурилган. Ушбу зот исломий рисолалар ва шеърлар ёзган.*

“Тошкент – Сити” аро  
туرار сағана,  
Хўш, нима қилмоқлик керақдир уни?  
У ён-бу ён суриб  
ташламоқ мумкин,  
Лекин қандоқ сурмоқ... унинг Руҳини?  
Тошкент айланмоқда  
Мегаполисга,  
Қадим обидалар не бўлар бироқ?

Теварак айлана  
улкан бинолар,  
Улар ўртасида қабрлар чатоқ...  
Йўқ! Йўқ! Улар қолсин!  
Эслатиб турсин  
Тошкентнинг кечасин, аждодлар ёдин!  
Хотира, ўтмиш бу,  
Хотира бугун,  
Хотира – келажак, тик қадри, қадди!  
Табаррук азлар бу!  
Улар ҳеч кимни  
Ҳеч қачон ва асло қилмас безовта!  
Бугун кабутардай  
тозадир руҳи,  
“Тошкент-Сити” аро эрур эъзозда!  
Чироқ кўтарганга  
қай бир халқ, миллат  
сафининг олдидан жой берса агар,  
Ўша халқ ийллари  
донғил, серҳикмат,  
Келажаги эрур ойдин, босамар!

## ПАЙВАНДЧИ БУНЁД

*Эй дўст!*

*Не мол-дунё ўтмас даврон илкидан,*

*Булут соясидир ҳар ганжи аъло.*

*Кўрдим, ота-онанг мерос мулкидан*

*Кўлингдаги хунар давлати авло!*

**“Эй дўст” китобидан**

Қадим бинолар  
девори синчли.  
Пойдеворлари  
бўйрама – тўшам.  
Ўтди замонлар,  
Келди давронлар,  
Ўзгариб кетди  
бу ашёлар ҳам.  
Арматуралар,  
пўлатли симлар,  
ҳарки оғочни  
қолдирап ортда.  
Ҳар қандай юмуш,  
темирли ҳар иш,  
Моҳир усталар  
қилган пайвандда!  
Кўкка бўй чўзган  
темир устунлар,  
Нигоҳингизни  
қилмаганми лол?  
...Пайвандчи Бунёд –  
Наргиза дўсти.

Унга бир куни  
айладим савол:  
Қани, ёш дўстим,  
Нима, бу пайванд?  
Нимада эрур  
Пайвандлаш сири?  
Қоришмаларни  
тутади қандай? –  
Уларни тортар  
магнит сингари?  
Бунёд бир кулиб:  
«Шоир бобо, – дер, –  
ҳеч қандай сир йўқ,  
Бор сири Мехнат!  
Боғбон дарахтга  
қаламчаларни  
пайванд қилгандай  
одатий ҳикмат!  
Тоғда олқорнинг,  
Кийикнинг ёки  
оёғи синса,  
қиласар давосин.  
Машаққат чекиб,  
Чўққига чиқиб,  
топиб ейишар  
тоғ мўмиёсин!  
Қарабсиз, синган  
суюклар бутун.  
Чопқир оёқлар  
ўқдайин елар.

Бизнинг ишимиз,  
пайвандлаш иши,  
мўмиёлашдир  
худди шу йўла!»  
Ёш бир ишчининг  
бундай жавоби,  
мени ҳайратга  
солғанлиги рост!  
Офарин, дедим,  
Тасанно, дедим.  
Дедим, шоирлар  
Сендан олсин Дарс!  
...Сўнг Бунёд ишга  
киришиб кетди.  
Наргиз томонга  
қўйди бир қараб.  
Наргиз ёқдан ҳам  
кутиб тургандай,  
қизил рўмолча  
қолди ҳилпираб.  
Темирпайванддан  
таралар учқун,  
гўё Бунёднинг  
қалб ўт-қўрлари.  
Мағрибий тоғдан  
худди шу янлиғ  
ҳар тонг ёйилар  
қуёш нурлари.

**КАМОЛОТ ЙЎЛИДА**

*Йўқ эдилар ҳар неки – бор айладинг.  
Алишер Навоий*

Чексиз коинотнинг  
изми йўлида  
Қачондир Ер шари  
эди бус-бутун.  
Сирли синоатлар  
ўнги-сўлида  
Ерда жараёнлар  
бошланди бир кун.  
Ажралди Замин-Шар  
қитъа-қитъага,  
Уммонлар, денгизлар  
бағрига кирди.  
Япроқлар сузгандай  
сувлар сатҳида  
Суздилар... жараён  
хукмин ўткарди!  
Қавмлар, элатлар,  
миллатлар пайдо,  
Ҳарки Ер, уларни  
айлади Ватан.  
Ҳарки халқ, ўзининг  
Юртига шайдо,  
Уни обод, гўзал  
қилди дафъатан!  
Отамзамон гапи:

Қай халқ ё миллат  
Камолот қўкига  
интилмаса гар,  
Унинг келажаги  
шубҳали албат,  
Унинг келажаги  
девордай нуар!  
Бу учун аввало,  
миллатни миллат  
Қилгувчи Бурч,  
Давлат мақоми асос.  
Бу илм-фан эрур,  
бу маданият,  
Бу маърифатдир, чин  
эътиқод, ихлос!  
Собит инсонпарвар  
ҳар бир жамият,  
Адолат илдизин  
қилолса пойдор,  
Боқий зафар қучгай  
ўша салтанат,  
Юзин қалби ёруғ,  
кимки, хукмдор!  
Отлиғ, серғайрат халқ  
пок рух, вужудин  
Пайванд қила олса  
Аллоҳ ишқига,  
Ориф, гўзал ҳулқу  
ирфону ҳикмат,  
Бахт шавқ-завқ бергайдир  
ўшал кишига!

Ҳаққи эрур ҳақи –  
 ҳур Ўзбекистон,  
 Уни обод қилмоқ  
 барчамизга бурч.  
 Азим Тошкент-Сити –  
 меҳнат – жараён,  
 Уни бунёд қилмоқ  
 улуғвор севинч!  
**Ўзбекистон кўкси**  
**Тошкент бўлса гар,**  
**“Тошкент-Сити”**  
**унда юрак муқаррар!**  
 Менинг азиз халқим,  
 азамат халқим,  
 Жўн ва қуроқ, бадфеъл  
 халқ эмасдир бу!  
 Қадим Турон халқим,  
 Туркистон халқим,  
 Қадим Туркий тилим,  
 Онам тили у!  
 Буюк Амир Темур  
 жаҳонгирлиги,  
 Буюк Улуғбекнинг  
 маърифати ёр.  
 Буюк Хожа Аҳрор  
 кашф-каромати,  
 Буюк Мир Алишер  
 руҳи барқарор!  
 Ҳа, ҳа! Шундай халқ бу,  
 бугун бунёдкор!  
 Интилмоқда Камолот

асори сари!  
Туғдана дарахт у,  
илдизли залвор.  
Бўрон-тўфонларда  
ўқ томирлари!  
Бунёдкор миллатим,  
ободкор халқим,  
Бинокор миллатим,  
халқим Сардори  
Кўтариб ўн икки  
юлдузли туғин  
Бошлаб бормоқдадир  
фақат илгари!  
Қайдаким элпарвар,  
юртпарвар Инсон,  
Бағрикенг, адолатпеша бўлса У.  
Унинг мамлакати ҳур,  
жаннатмакон,  
Унинг мамлакати  
фаровон мангу!

**И К К И Н Ч И Қ И С М****2019 ЙИЛ, МАРТ – ИЮНЬ  
ЖАРАЁН**

Ҳамал шамоллари,  
 Еллар, эпкинлар,  
 Ҳар ёнда наврўзий олам нафаси.  
 Бошлаб юборилган  
 экин-тикинлар,  
 Кўқдан чалинади турналар саси.  
 Мамлакат тинч, обод,  
 Халқим фаровон,  
 Юрт бўйлаб қандайдир парвозий сурур.  
 Тўлиб-тошиб оқар  
 Заргар Зарафшон,  
 Аму сувларида сирли бир ғулу.  
 Гул-гул очилгандир  
 Тошкент жамоли,  
 олқишлилар бўлсин-ай Ўзбек юртига.  
 “Сити” ишчиларин  
 табриклаш учун  
 Кириб бормоқдаман “Тошкент-Сити”га!  
 Мана, беш ойдирки,  
 уларнинг кўпи,  
 Шоир бобоси ила дўст, қадрдон.  
 Ана, шу қадрли  
 дўстлик хурмати  
 Улар достонимда эрур қаҳрамон!

**“HILTON”**

Дунё етакчи  
брендлари кўп,  
5 юлдуз – “Hilton”  
уларнинг бири.  
Кўзим олдида  
“Hilton” Тошканди  
турар ростланган  
Семурғ сингари.  
О, “Hilton”, “Hilton”.  
Ичкари томон  
йўл олдим секин  
кўз солиб ҳар ён!  
Ҳар бир хонада  
барча қулайлик.  
Таърифларига  
сўз уяларлик.  
Эшикларида  
йўқдир калит-қулф.  
Улар ўрнида  
смартфон аниқ.  
Барча хонада  
махсус кўрсатгич.  
Уни атарлар  
ақлли датчик.  
Датчик бирорта  
нохушлик сезса,  
етказар хабар  
керакли ерга!  
Қайда юрибман,

“Париж-Сити”ми?  
 Ва ёки Хитой  
 “Синт” кентларими?  
 Бунда мажлислар  
 сарой, заллари.  
 Ресторан, салон,  
 бассейнлари,  
 Дизайнларida  
 ёрқин ранглар мўл.  
 Гоҳ тоғлар акси,  
 гоҳи денгиз, кўл.  
 Меҳмонхонада  
 ким бўлса қўноқ,  
 Умрин ёдида  
 сақланар узоқ...

### “КОНГРЕСС-ХОЛ”

“Hilton” ёнида  
 “Конгресс-хол” –  
 Бунда бўлгайдир  
 Йирик саммитлар.  
 Саммитларки,  
 эрур халқаро.  
 Залига тўрт минг  
 киши бўлур жо!  
 Жаҳон мезони  
 ҳар хонасида.  
 Наки, хонаси,  
 ҳар ашёсида!

Давлатбошимиз,  
муҳтарам Инсон,  
Кўрсатма берди  
аниқ ва лўнда:  
“Биринчи қават,  
албатта, бўлсин,  
Замонавий, соз  
дизайнларда.  
Иккинчи қават  
классик услугуб  
жилоларини  
этсин жамулжам.  
Йўлаклар эса  
Рассомларимиз  
ижодларидан  
безансин кўркам!..”  
Ҳар ташрифида  
назарларидан  
бирорта нуқта  
четда қолмагай.  
Адолат билан  
юритар амрин  
шунда ҳеч киши  
доғда қолмагай!

**“БИЗНЕС МАРКАЗИ”***“Дунё тижорат ила ободдир...”***Амир Темур**

...Ў-ў!.. Эллик қаватли  
 “Бизнес маркази”,  
 Офарин! Тасанно! Кўтармоқда қад!  
 Тошкент Жамолунгма  
 чўққи мисоли  
 Кўхна Ипак йўлда бўлгай сарбаланд!  
 Атрофин ўраган  
 каркас нарвонлар,  
 Бунда ғишт терувчи, бунда пайвандчи.  
 Бетон қуйгувчилар,  
 электриклар,  
 барчаси бинокор, бари қурувчи!  
 Барчаси касбининг  
 моҳирлари дидир,  
 Олти мингдан ошиқ ишчи Ситида.  
 Улар бугун тарих  
 яратмоқдадир,  
 турли халқ бирлиги – биродарликда!  
 Бунда қозоқ, тоҷик,  
 қирғиз, туркманим,  
 қорақалпоқ, озор, турк орқадошим.  
 Шижаот соҳиби,  
 оқилу ориф,  
 муҳандису меъмор азиз қўлдошим!  
 Ёдга тушиб кетди  
 мустабид замон,  
 Мустамлака замон ёвузликлари.

Давлат машинасин  
 Шахс эркига  
 қаттол зуғум тажовузликлари.  
 Кишиким, иморат  
 қурмоқлик учун  
 Бир-икки арава ғишт топса агар,  
 Булғанди балчиқقا  
 инсоний шаъни,  
 ҳатто қамоқ жазо эди муқаррар.  
 Бари ўтди, лекин  
 эслаб турмоқлик,  
 Авлодлар ёдига хок-поки жоиз.  
 Буюк истиқолнинг  
 англасин қадрин,  
 Ҳаққа илм, тафаккур идроки жоиз!  
 Мана, кўз олдимда  
 қайноқ жараён,  
 Эркин меҳнат завқи, яратиш ишқи!  
 Дин, ирқ, миллат, мазҳаб  
 тушунчасидан  
 Баланд Инсон қадди, юксалиш ишқи!

## БУЛЬВАР

Юраверсанг гар  
 қаватма-қават,  
 Ҳайратларданким  
 лопиллар юрак.  
 Оҳиста чиқдим  
 кўча – майдонга.

Йўлимни бурдим  
Бульвар томонга.  
Сенсор тизими  
кўчалар бўйлаб,  
чироқлар ёнар  
гўёки ўйлаб.  
Ям-яшил чимзор,  
пўрим тўшамлар.  
Йўлак четлари  
фасона тошлар,  
Хар ёнда гуллар,  
чечаклар қийғос.  
Миллионлаб шам  
ёқилгандай хос.  
Ё денгиз маржон  
қояларида  
турли ранг балиқ  
сузар гўёки.  
Бренд дўкони,  
унда қоровул  
турмайди энди  
мисли қирғовул.  
Ё навбатчи кас...  
Улар ўрнида,  
Бас, “голограмма  
аппарати” бас.  
Еттинчи – Лотда,  
Сайлгоҳ аро,  
қаҳвахоналар,  
ресторанлар хос.  
Кўноқхоналар,

офис ва савдо  
 мажмуалари  
 боғ сайрига мос!  
 Бунда фаввора  
 камалак рангли,  
 нақ йигирма газ  
 кўтарилилар у,  
 Куйлар эшилар  
 раққоса мисол,  
 ишқий жилолар  
 айлайди висол...

### **“ТОШКЕНТ – СИТИ”ДА КИМЛАР ЯШАЙДИ?**

1994 йил 18-20 май. Ўзбекистон Президентининг Япония мамлакатига Расмий-амалий ташрифи делегацияси сафида Токиода бўлдим. Бизга ажратилган олий “Нью-Отани” меҳмонхонасида туришим керак бўлган хонамнинг эшигини очишни эплай олмадим...

**“Кундалик”дан**

Ҳа, ҳаммаси тўғри,  
 ҳа, ҳаммаси рост,  
 Эшикни очолмай бўлганман мулзам.  
 Техник тараққиёт  
 уқувларини  
 билмаган эканмиз, ўйлаб қарасам.  
 Қайдан ҳам билардик,  
 замона бошқа,  
 биз пахта даласин билардик чандон...

...Ў, бугун шиддатли  
 Вақтнинг йўриғи,  
 Тараққиёт йўриғ – алп тегирмон!  
 Вақтдан ортда қолмоқ,  
 чироқ қўтарган  
 қаҳрамон ортидан қолгандай бир гап.  
 Инновацион  
 янгиликлардан  
 боҳабар кишилар ҳаёти шараф!  
 Демак, аён “Тошкент –  
 Сити”да ҳаёт  
 Сўнгги тараққиёт зарурияти.  
 Энг аввало, шунга  
 Муносиб бўлмоқ,  
 ҳар қандай инсоннинг қулфин калити.  
 Бунда инвесторлар,  
 яшар меҳмонлар,  
 хорижий сайёҳлар бўлгайдир қўноқ.  
 Ситида халқимнинг  
 яшамоқ тарзи  
 шакллангай ва бўлгай умрзоқ...

### **“GARDENS PESIDENCE”**

Maxsuc “Gardens  
 Pesidence”си,  
 Яъни турагжой,  
 бу мажмуалар,  
 қўп хонадонли  
 оиласа хос.

Серфарзанд элим  
уларда яшар.  
Ота-онага  
кексайган маҳал  
хотиржам яшаш  
зарур ҳаводай.  
Уларга бунда  
алоҳида, мос  
ажратилгандир  
қулай хоналар.  
Ўзбекнинг, нима,  
кўпдир меҳмони,  
меҳмонга ҳурмат  
қони-жонида,  
Кириб келишар  
куни-тун демай,  
истаган пайти  
ҳар бир онида.  
Шу сабаб-боис,  
меҳмонлар учун  
ажратилган жой –  
хоналар бутун.

## СУРУР

*Парвози баланд қушлар  
чўққиларда устувор.*

*Парвози баланд қалблар  
офтоб ила баробар!*

**“Эй дўст” китобидан**

Сени шарафлайман,  
азиз бинокор,  
Маҳкам сиқадирман қадоқ қўлингни.  
Сен асл қурувчи,  
асл бунёдкор,  
Шарафлайман осмон сари йўлингни.  
Иморатда керак  
адл бунёди,  
Ҳар битта ғишт-таянч жойига жоиз.  
Магарким ўрнидан  
оғса сал нари  
Йўлидан адашгай осмонўпар из!  
Лою қоришмалар  
қайишдай беллик,  
Ҳамоғуш бўлмоғи лозим ҳар ғиштга.  
Иморат барполик  
эрур таг-туглик,  
Умр фидо бўлса арзир бу ишга!  
Азиз бунёдкорим,  
бириңгиз ишчи,  
бириңгиз сувоқчи, бириңгиз ғиштсоз,  
бириңгиз дурадгор,  
кимдир пардозчи,  
Сим – таранг эшdirки, жаранглайди соз!

Шер ўлжасин бунда  
 тортмас чумоли  
 Фил юки юкланмас бунда пашшага.  
 Ҳар битта кўнгилда  
 руҳпарвар насим,  
 Муносиб жой ҳозир ҳар сариштага!  
 Ҳеч қандай қора иш  
 йўқдир жаҳонда,  
 У гўзал ва тўғри яқун топса гар!  
 Ҳатто фаррошларнинг  
 ушбу майдонда  
 Ботартиб ишлари қадрланадир!  
 Бахт – халақит бермас  
 Бурч ҳикматига,  
 Дўстлик-биродарлик иншооти бу!  
 Замин, қойил қолгил  
 Эл ҳимматига,  
 Ҳимматлар қимматин салтанати бу!  
 Ҳар тоғнинг энг юксак  
 зирваси бўлгай,  
 Кўрғон-қалъанинг Бош-қош меъмори.  
 Пойдор “Тошкент-Сити”  
 Кошонасининг  
 Бош меъмори эрур Юртим Сардори!  
 Ҳикмат бор: бир одам  
 қургайдир кўприк,  
 ўтгайдир минг-минглаб одамлар ундан.  
 Ҳикмат бор: бир одам  
 қазигай ариқ,  
 сон-минг одам ичар унинг сувидан!

Ровий дер: Тан кучин  
 кўтаргай пок рух,  
 Ҳаққос рост! Туганмас Сўзим қайроғи.  
 Мамлакат томири  
 қонида сурур,  
 Ситида ҳилпирав Ватан байроғи!  
 Ўзбекистон йўли,  
 шарафли йўл бу,  
 Ҳидоятлик йўл бу, орифли йўл бу!  
 Бу йўлларнинг асло  
 адоғи йўқдир,  
 Адолатлик йўл бу, бу йўллар мангур!  
 Сени шарафлайман  
 замондош авлод,  
 Сени шарафлайман, замондош наслим.  
 Турфа гуллар тутиб  
 турибди ҳаёт,  
 Дуогўйдир улуғ аждодим – аслим!

**ХОТИМА**

Айни Ўзбекистон  
 кечаги эмас,  
 Кечаги эмасдир бугунги офтоб.  
 Айри бир эврилиш,  
 қадамлар гурас,  
 Бу мега дунёда ҳур, эркин авлод!  
 Қарашлар ўзгача,  
 нигоҳлар теран,  
 Ҳар иш эртасига эътимод назар.

Эл-юрт хизматига  
 тайёр дафъатан,  
 Ватан тақдирини тақдири безар!  
 Қурилиш... қурилиш...  
 Инновацион  
 Янгилик қадамда, амалиётда.  
 Фақатгина “Тошкент-  
 Сити”да эмас,  
 Бинолар қад ростлар тараф-тарафда!  
 Олмазор, Бешоғоч  
 кўчаларининг  
 кесиши маси аро “Humo Arena”.  
 Ҳозиргина келиб  
 тўхтаган янглиғ  
 Уммон кўрфазида муҳташам Кема!  
 Ислом тараққиёт  
 биноси гўзал,  
 Шарқона жилолар – гумбазлар мовий.  
 Унинг қоқ нуқтаси  
 сипозарҳал зал,  
 Унга қўйилгайдир “Усмон Куръони”  
 Марказий бинода  
 анжуманлару  
 Кутубхона зали, кўргазма заллар.  
 Уларда сақлангай  
 тарихий манба,  
 Осори-атиқа ва ашёлар.  
 Муқаддас исломнинг  
 моҳиятини  
 Шу ерда уққайдир навқирон авлод.

Чин – иймон ҳидоят,  
 барокотини,  
 Адолат қонунин айлагай бунёд!  
 Мен сафар кишиси,  
 Ватаним бўйлаб,  
 Юкхалтам елкамда, кезганим-кезган.  
 Бугун Нукусдаман,  
 эртан Термизда,  
 Индинга Водийга ошгум ғизиллаб!  
 Ҳар жойда қурилиш...  
 бамисли кўзгум...  
 Одамлар қалбидаги бир фаровон рух.  
 Улар қадди, юз-кўзида ғуур,  
 Идрок шуурида мусаффо шукуҳ!  
 Ижод мактаблари...  
 Мунаввар гўша,  
 Илм-маърифатнинг ўт-ўчоқлари  
 Улардан таралгай  
 Кишварлар оша  
 Асл адабиёт ҳур сабоқлари!!!

\* \* \*

Астронавт борар  
 Кўқдан Ер томон,  
 Кундузи ҳеч нарса  
 кўринмас унда.  
 Ва лекин кечаси  
 боққандаги кўрар  
 миллиардлаб чироқ  
 порлар Заминда!

Чироқлар... чироқлар...  
серюлдуз уммон,  
уммонки, туб-туби  
зим-зиё, зулмат.  
Шу зулмат ичида  
машъала ҳар ён,  
Гүё Прометей  
яратган хилқат.  
Марказий Осиё,  
қайдасан, қайда?  
Ана у, ана у,  
Мана, бу Тошканд.  
Тошканд ўртасида  
ушлайсан ёқа,  
Порлар Тошкент – Сити,  
нақ қандилмонанд!

## **МУНДАРИЖА**

Андиш ўсган ерларда.....	3
Бош китоб.....	4
Баҳодирнинг қиличи.....	5
Бу ватанни севмай бўлурми?! .....	6
Бу дунёда.....	8
Ватаним .....	9
Оқ ва қора .....	11
Февраль .....	12
Мен сизни севаман .....	15
Мұхаббат .....	20
Ўтов .....	23
Можрим арчаси.....	25
Тошкулба токчасидаги китоблар.....	27
Навоийдан топдим .....	30
Ошиқ ўлдим .....	31
Ор.....	32
Бироннинг ҳаққига.....	33
Робот шеър тўқийди .....	34
Абдусаид булоғи .....	36
Дийдор қиёматга қолмасин .....	38
Мен ким, Азим Суюнман.....	39
Ула .....	40
Ўлан .....	41
Рафиқамга .....	42
Турналар.....	44
Жаҳон шоирларига .....	50
Бир ўрмонда .....	54

Чўпон бола .....	57
Гужум остида.....	58
Самовий .....	60
Ёз ўтиб бўлдими .....	61
Кимдан.....	62
“Майсаларнинг илдизига...” .....	63
Собир Ўнарга.....	64
“Йўқ, ҳаётга тўймадим...” .....	65
Ла-илаҳа иллаллоҳ!	66
Ўт .....	69
Филон .....	70
Мен – ерликман.....	71
Ботир йигит.....	73
Ёш шоирларга .....	74
Хасталикда .....	75
Курсияга .....	76
Ювенал қамчисин.....	77
Евгений Евтушенко .....	78
Ўзбек боғлари.....	80
Қимизчи қиз.....	81
Онам, онажоним.....	82
Ким кўрибди .....	83
Кенгуру халтаси .....	85
Дўрмон тонглари.....	86
Эй фарзанд .....	87
Оналар .....	88
Иброҳим Faфур .....	89
Устоз.....	90
Ўзбек.....	91
Нозигим .....	92
Ҳасад.....	94

Мен фақат яратган...	95
Болалигим .....	96
Жононлар .....	98
Тошкент-сити ( <i>Рено-достон</i> ) .....	99

*Адабий-бадиий нашр*

Азим СУЮН

## **МЕН – ЕРЛИКМАН**

*Шеърлар ва достон*

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*  
Бадиий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*  
Саҳифаловчи *Азамат Қаюмов*  
Мусахҳих *Шаҳзода Ҳакимова*

**“ADABIYOT NASHRIYOTI”**

Нашриёт лицензияси: № AA 0043. 27.01.2020

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.  
+99894 659 94 62

Босишга 2020 йил 19 июлда рухсат этилди.  
Бичими 70x90  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма. «Cambria»  
гарнитураси. Шартли босма табоғи 4,09.  
Адади 2000 дона. Буюртма №